



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 32 (4534)
2019 ЙИЛ 9 АВГУСТ

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ЗОМИН ИЛҲОМЛАРИ

Кўнглимда кўз очган булоқлар

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан кўнароқ қилишиб, менга тақлифнома борлигини айтишди. Бориб олдим. Ўқиб кўксим тоғдек қўтарилди. Унда Жиззах вилояти Зомин туманида янвандан бунёд этилган, бузғунчи замон андозаларига тўла жавоб берадиган "НКМК санаторийси"да белуздаволашишга ва саломатлигини тиклашга тақлиф этилгандим.

Бу самимий илтифотдан чексиз миннатдорлик туйғуси овушида ҳам тилда, ҳам дилда беҳисоб шукрона ила йўлга отланарканмиз, мухтарам Юртбошимизнинг илму ҳикмат эваларига, биз ижодкорларга кўрсатаётган бекиёс ваҳдирликларидан ана ифтихорга тўлдиқ. Пурвиқор Зомин моллари овушидави улуворлик, мислсиз аўзаллик,

поклик, зилол сойлар, оромбахш шаршаралар, кўз иламас арчазорлар, одамхонлик, меҳмоннавозлик, ҳар биримизнинг қалбимизга олам-олам қувонч, ҳузур бахш этди. Менинг наздимда аёё ҳамма шоирга айлангандек. Эҳтиборингизга ҳавола этилаётган ушбу шеърларни Зомин моллари бахш этган илҳомнинг мевалари, деб қабул қилайсиз.



УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР

Йил давомиди қизғин меҳнат қилиб, толиққан пайтда таътил олиб, сўлим бир манзилда мириқиб дам олиш кишига қайта куч-қувват бағишлаши сир эмас. Айниқса, адабиётимиз равнақи йўлида заҳмат чекиб, бугунги кунларимизнинг бадиий соломасини яратишга бел боғлаган ижод аҳли учун бу жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлиларининг

бир гуруҳ вакиллари билан бўлган учрашуви кечагидай эсимда. Ушбу тадбирда мамлакат раҳбари келгусида Зомин ва Паркент туманларининг сўлим тоғли ҳудудларида замонавий ижод уйлари барпо этиш, уларда адб ва шоирлар ҳордиқ чиқариб, унумли ижод қилишлари мумкинлиги ҳақида сўзлаган эди. Аммо ўшанда бу гўшаларнинг қандай бўлишини ҳатто тасаввурга ҳам сиғдиролмасдик.

3

НИЯТНИ ЯХШИ ҚИЛИШ КЕРАК

Мурод Муҳаммад Дўстнинг Фейсбукдаги фикрларини ўқиб...

Бир замонлар момоларнинг мўъжазгина сандиқчалари бўлган. Тилла тақинчоғу зеби гардонлари, энг нозик сирлари битилган мактубларини шу ерда сақлаб, қалитини ҳеч кимга бермай, соч пўпагига осиб юрган. Бугун телефон деган зорманда сандиқчадан ҳам азиз. Дунёнинг ҳамма гаши шунда. Ҳамма янгилигу муаммолар шунда. Бўлган-бўлмаган гап-сўзу олди-қочди, миш-мишу сирлар асрор бари шунда.

Ижтимоий тармоқ дегани эртаю кеч қайнаб ётибди. Кимни кимга арзи, дарди, тилаги бор — ёзиб ётган жойи. Тўғриси, айтдиган, ёздиған гапимиз ҳам йиғилиб қолган экан-да. Балки, шунинг учун ҳам, эндиликда ижтимоий тармоққа кириб кўнглини очиш, фикрини айтиш ҳамманинг қўлидаги ишга айланиб қолди. Лекин бу ҳаёда бирдек ҳамманинг қўлидан келавермайдиган, ҳамма қила олмайдиган ишлар ҳам бор.

Бу — бевосита ҳаётда содир бўлаётган яхшилик, мардлик, фидойилик билан боғлиқ амалий ишлардир. Журналистлар ижодий уюшмаси яқинда 44 нафар ёш журналистнинг турли мавзудаги мақолаларидан иборат "Ёш юраклар садоси" деган тўплам чиқарди. Унда Мавжуда Собирбоевнинг қорақалпоғистонлик ёш журналист Фуркат Собиров ҳақидаги "Фуркат орамизда йўқ, Фуркатлар тирик" деган мақола ҳам бор. Мақола қаҳрамони Фуркат канал ёқалаб кетаётганида баногоҳ икки ўсимир қиз дод-вой солиб, сувга чўқаётганини устидан қиқиб қолади. Қамдан-кам бўладиган бундай ҳолатда кимдир хай-ҳайлаб одамларни чақиритиш, кимдир телефонга тармашиши мумкин. Фуркат эса ҳеч иккиланиб ўтирмай, ўзини сувга отади. Икки қизни ҳам кирғоққа чиқариб, ўзи гирдоб ичра чўкиб кетади... Бу ҳодиса

ижтимоий тармоқларда ҳам кенг ёритилди.

Айни жасорат, ҳақиқатан, ҳамманинг қўлидан келадиган иш эмас. Бугун, чинакам маънода, инсонийлик, фидойилик, одамларнинг яратувчилик фазилатлари ҳар қачонгидан кўра қадрланаётган замонда яшаймиз.

Теварак-атрофга бир назар ташланг. Кеча кирган кўчангизни бутун танимай қолсангиз, ажабланарли жойи йўқ. Янги-янги турар жойлар, корхоналар, маданият ва санъат даргоҳлари, боғлар барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси одамларга қулай турмуш ва маиший шароит яратиш бериш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш учун амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизда барпо этилаётган "Tashkent City" кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. Ўзимизникиларни-ку қўйтурайлик, бу янги қурилиш ҳақида хорижий мутахассислар билдираётган фикрлар, айниқса, аҳамиятлидир.

Мисол учун, немис архитектори Петер Кнох шундай деб ёзади:

— Ўзбекистонда янги қурилаётган биноларнинг сон-саногини йўқ. Улардан энг йириги, бу шубҳасиз, "Tashkent City"дир. Бу ерда замонавий бизнес учун барча шароитлар мавжуд бўлади. Халқаро бизнес маркази бунга мисол. Унда тижорат ва савдо учун ҳамма шароитлар яратилади ("Gazeta.uz. 2019 йил 23 май).

Роман Осокин (Россия) — "Tashkent City" лойиҳасида бевосита иштирок этган, лойиҳаларни бошқариш бўйича эксперт:

— "Tashkent City" лойиҳаси бу нафақат Ўзбекистондаги, балки Марказий Осиёдаги энг улкан лойиҳалардан биридир (Sputniknews-uz.com. 2018 йил 2 ноябрь).

2

Бугун юртимизда ички туризмни ривожлантириш учун сай-ҳаракатлар бошланган. Бу ҳаракатларнинг юрт тарихини чуқурроқ ўрганиш истаги билан уйғунлашуви эса — айни муддао. Бу фикрни бежиз айтмадик: бир дўстимиз узок Ҳиндистон сафаридан келиб... Яққабог туманидаги Амир Темур ғорига экспедиция уюштириш ҳаракатиға тушди. Айтишча, Бхупендр Шарма исмли хинди таниши ундан: "Амир Темур ғорини кўрганмисан?" дея сўрабди. Қарангки, Осиё ва Европанинг кўплаб мамлакатларини кезган дўстим, ўзимизнинг Ҳисор тоғлари бағридаги Амир Темур ғорига борманган экан...

Хуллас, иолнинг сўнгги ҳафтасида дўстлар билан йўлга чиқдик. Тошкентдан Яққабогга — 5 соатлик йўл, Яққабогдан Амир Темур ғоригача яна шунча юрилади. Сафарнинг энг машаққатли қисми ҳам шу жойда. Ғор яқинидаги кўхна Тошқўрғон қишлоғига Ҳисор тоғининг жанубий тизмаларини айланиб ўтиб борилади. Қамашти туманидан адир ва доволлар оша олис Дўконхона қишлоғигача 95 км. масофада эллик-олтмиштатча қишлоқ бор. Ўзига хос завқли ҳаёт қайнаётган бу манзилларга фақат ҳосна "УАЗик" машинасида чиқиш мумкин. Тик ва тор сўқмоқларда от-эшаклар қундалиқ улов саналади. Бу жойларда олис асрлардан ўтиб келатган табиий турмуш тарзи сақланган: тоғ гиёҳларига тўйган чорва махсулотлари, бир чимдим ҳам кимёвий ўғит ишлатилмаган мева-сабзавотлар, сунъий дори-дармон ўрнига яна ўша хосиятли гиёҳлар... Бу ерликлар билтурдек тоза ҳаводан нафас олиб, тоғ чашмаларининг зилол сувларини ичади; бундай шароитда касалликка йўл бўлсин! Ҳаёда шоирнинг мисралари айланади:

СОҲИБҚИРОНГА КУЧ БЕРГАН СИРЛИ МАСКАН

Ҳар гиёҳнинг жонга малҳам, танга даво,
Дилсизлик кўрмагандир сендан маъво,
Юрагингдек мусавфодир тоза ҳаво —
Соҳибқирон шифо топан дармон, элим,
Мулки Турон вафо топан қўрғон, элим!

Адир қиррасидаги сўқмоқ узра "УАЗик"да чайқала-чайқала кетарканмиз, бир дўстимнинг ижтимоий тармоқда ёзган гаплари эсга тушади: "Шундай бир китоб бўлса, фикрларингни алғов-далғов қилиб ташласа, бошқача ўйлай бошласанг. Шу кунларда ана шундай таассуротларга жуда муҳтожман...", дейди у. Ҳаёдан шундай фикр ўтади: мана, ўша китоб — табиатнинг ўзи! Бир доғишманд, "Табиат — ҳар бир саҳифаси ҳикматлар билан лиммо-лим тўла китобдир", деганида буткул ҳақ эди. Масалан, юртимизнинг мана шу тўшаси ҳақиқий мўъжиза эмасми? Иолнинг охириги ҳафтаси, олмалар ҳали кўм-қўқ гўра. Ўрик, тоғолча ва гилослар эндигина ранг ола бошлаган. Ҳавонинг нихоятда софлигидан бўлса керак, терак ва ёнғоқ барглари худди ювилгандек ялт-юлт этади.

Қарий юз чақиримлик тоғ йўлларида, тез юрилса, беш соатда манзилга етилади. Теракли қишлоғидаги бозорда бирров оёқ илдик. Бу бозорда асфальт

ёки бетон йўл йўқ — шунчаки дарё бўйидаги табиий, хушманзара жой экан. Ўнг зарур рўзгор буюмлари — қозон, коса-товоқлар, хитойи моллар, худлас, исталган матоҳни топиш мумкин. "Шунча олисдан, тоғлар оралаб бу молларни олиб келиш осон бўлма-са керак", деган фикр ўтади ҳаёдан. Нарх-наво эса, қиммат эмас. Қатор тош ўчоқлар, қозонларда ёғлар кизиб турибди, қовурилган гўшт — асосий таом. Қас-собнинг қўли-қўлига тегмайди...

Нихоят, тоғдан ошиб, ғор жойлашган Қалъа Шерон дарасига яқинлашдик. "Шерлар қалъаси" маъносини берувчи мазкур дара худди Америкадаги Катта Каньонни эслатади, чуқурлиги 300-400 метрли тик жарликлардан иборат. Дара тубидан "Қалъа суви" деб номланган дарё оқади, у Тошқўрғон қишлоғи яқинида Қизилсув дарёсига қўшилади. Ғорга элтувчи тўртта сўқмоқ бор, ҳар бирининг эса ўзига хос машаққатли сирлари мавжуд. Ҳар қайси йўлдан борганда ҳам, биринчи қуниёк ғорга етиш мушкул. Қош қорайгач, чўпон қалислада тонгни қутишга тўғри келади. Улуғвор сукунат. Бир ёнда Бовурчи, иккинчи томонда Масҳара чўққилари, этакда — беш-олти чақиримча нарида эса тарихий Тошқўрғон қишлоғининг чироклари порлайди.

2

ТИНГЛОВЧИ — АНГЛОВЧИ

ГАЗЕТХОН МАКТУБИ

Бизнинг давримизда "жонли ижро" деган ибора пайдо бўлди. "Жонли" сўзининг акси "жонсиз" бўлади. Шу боис фонограммани "жонсиз қўшиқ" деб атаган маъқул, менингча. Жонли қўшиқни фақат ҳақиқий санъаткоргина ижро эта олади. "Жонсиз" ижрода электр токи ўчса, у ҳам ўчади. Демак, эстрадалаги соҳа-такорларни "жонсизлар" десак ҳам бўлади. Яна фақат хорижнинг чолгу асбоблари кўмағида ўзбекча қўшиқ қўйлайдиганларни тушунмайсан, киши. Бошқа миллатларнинг чолгу асбобларидан тараққиланган куй менга худди ўзбек тилини бузиб талаффуз қиладиган хорижий меҳмонини эслатади. Ана шундай чолгу асбобларининг кўпроқ қўлланаётгани ачинарлидир. Бунинг оқибатида миллий чолгу асбобларимиз сахнадан сиқиб чиқарилмасмикан, деган ҳавотир пайдо бўлади.

Маълумки, бадиий китобни ўқиб олган таассуротни худди шу асар асосида яратилган бадиий фильм беролмайди. Шунингдек, клипсиз айтилган ҳақиқий халқона куй-қўшиқ берган завқ-шавақ бўлакча. Клипсиз қўшиқда тингловчи

манзарани ҳаёлида жонлантиради. Унинг мия ҳужайралари фаол ҳаракатга келади, мушохода қилади. Хотира жонланади. Албатта, биз қилдан бутунлай воз кечиш керак демокчи эмасмиз. Фақат бироз савиясини кўтариш, ҳаёт ҳақиқатига мос меърини сақлаш керак, ҳолос. Чунки эътирозларга сабаб бўлаётган аксарият клипларда шошқалоқлик, севги мавзусида ёшларнинг ўзини кўз-кўз қилишга интилиш, қўзлариди самимий муҳаббат эмас, балки ёвойи хирсининг ёниб туришини кузатамиз. Шу сабабли бундай клиплар ор-номусли, эътиқодли томошабинларнинг дилини хира қилади.

Бугун нима сабабандир баъзи бир санъаткор йиғитлар атлас ёки адрасдан тикланган кийимларни кийиб чиқишмоқда. Эрақларга бу каби матоларни эғнига олиш ярашмайди. Бу хатти-ҳаракатлар уларни мардлик, шижоат ҳисларидан маҳрум қилиб қўймасмикан? Натижада атлас-адрас кийимлар боғчалардаги кичкинтойлар санъат дасталарига, ҳатто тўйхоналардаги хизматчи йиғитларга ҳам осонгина юқди.

Яна болаларимизнинг катта сахналарда "мен севаман, сен севаганим" қабилдаги қўшиқларини ижро этишлари ёки шу тарздаги қўшиқларга рақс тушишлари кишини ажаблантиради. Ахир, ҳамма нарасада бўлгани каби санъатда ҳам маълум миллий мезонлар бўлиши керак эмасми?! Саҳнага қадам қўювчи ҳар бир инсон ёшидан қатъи назар, қадриятларини севиши, ардоқлаши лозим. Бу тўғрида кўп гапирилмоқда, кўп ёзишмоқда, аммо натижа жуда кам. Соғлом фикрлар гўё қумга сингандек, ҳавога учгандек бўлгипти. Баъзи хонандалар ёқимсиз хатти-ҳаракатларини, мазмунан сазё қўшиқларини, миллий ўзанига сиғмайдиган мусикаларини томошабинга ёқаётгани билан оқлашга интилади. Гўё концерт зали томошабин билан тўлиб-топиб турса, у тўғри йўлда эканлигини билдирар эмиш. Асло ундай эмас. Томошабин икки хил бўлиши мумкин. Биринчиси — ҳақиқий томошабин. Иккинчиси — оломон томошабин. Иккинчисини енгилтақ, савияси паст, тарбияси унчалик яхши бўлмаган томошабин дейиш ҳам мумкин. Демак, оломон томошабиндан эҳтиёт бўлиш лозим.

Назаримда, санъатда "безорилик"нинг урчиб кетишига телевидение ҳам маълум даражада ҳисса қўшмоқда. Чунки улар бундай куй-қўшиқларни эфирга узатиб, рағбатлантиришгаётганга ўхшайди. Ҳайрон қолсан, киши. Телевидение айнан қўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлаётган куй-қўшиқлар, рақсларни эфирга узатади. Сўнгра яна телевидениеда буни нотўғри деб муҳокама қилишди, қимларидир айбдор ҳисоблашди...

Айрим санъаткорлардан: "Томошабин ҳеч нарсани тушунмайди", деган фикрни эшитганман. Бундай фикрдан томошабинни менсимасликдек нохуш муносабат сезилиб туради. Чунки ҳамма томошабин бирдек эмас. Айтмоқчи-манки, санъаткорлар бу фикрларни "томошабин ҳеч нарсани тушунмайди" деб эмас, аксинча "тингловчи — англовчи" деб тушунишса, ҳаммамиз учун фойдали бўлади.

Товбой ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
нафақадаги журналист
Жиззах вилояти

НИЯТНИ ЯХШИ ҚИЛИШ КЕРАК

Бошланиши 1-саҳифада

Елена Паскалева – халқаро эксперт (Буюк Британия):

– “Tashkent City” лойиҳаси хорижий инвестициялар, грантлар, техник ёрдам, кредитлар ва бошқа молиялаштириш манбаларига таъинади. Бу санаот ва бизнес маркази саккизта бизнес маркази, савдо маркази, конгресс зали, меҳмонхоналар, рестороанлар ва маданий марказ, шунингдек, юқори қаватли турар жойлар қурилишини ўз ичига олади. Тошкентдаги янги иншоотларнинг кўпчилиги монументал мажмуалардир. Ушбу биноларнинг дизайни сайёҳлар учун жозибали (*Advantour.com sayti. 2018 йил 28 июль*).

Ҳазел Плаш, ёзувчи, сайёҳ (Ҳиндистон):

– Тошкентда жуда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарда бир-биридан чиройли ва ҳашаматли бинолар қад кўтармоқда. Тошкент ҳар доим Ўрта Осиёдаги энг чиройли шаҳарлардан бири бўлиб қолади (*Advantour.com sayti. 2018 йил 28 июль*).

Ўзгүр Ўзгувен (Туркия) – “Özgüven” ширкати бошқарув раиси:

– “Tashkent City” халқаро ишбилармонлик марказидаги йирик лойиҳа – 215 метрдан ортиқроқ баландликка эга бўлиб, 50 қават бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳрида қурилаётган осмонўпар бу бино меъморийлик нуқтаи назаридан янги қарашлар ва ноанъанавий ечимларни ўзида акс эттирган. Биз Марказий Осиё ва Буюк ипак йўли юрагида жойлашган ушбу лойиҳада иштирок этаётганимиздан, туркиялик ишбилармонлар ўз аждодларининг тарихий ватани – ота юртида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳасида қатнашаётганидан мамнунмиз (*daryo.uz. 2019 йил 8 июль*).

Сирасини айтганда, битта иморат тиклаш учун, аввало, яхши ният керак, маблаг керак. Ундан кейин яна бир дунё нарса керак: кум керак, ғишт керак, цемент керак, тахта-ёғоч, мих керак, транспорт хизмати, логистика, овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш тармоклари... Хуллас, қурилиш учун бутун бир инфратузилма ишлаши лозим. Бу янги-янги заводлар,

корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари дегани, қанча-қанча иш ўрни дегани, давлат хазинаси-га қанча-қанча тушум дегани, қариялар учун пенсия, талабалар учун стипендия, ишчилар учун ойлик дегани. Бир сўз билан айтганда, ободлик, аҳоли турмуш фаровонлиги дегани.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг кўлами ва суръати ана шу жиҳатдан, айниқса, муҳимдир.

Тарихдан маълумки, ўтган асрнинг 30-йилларида АҚШ президенти Франклин Рузвельт миллий иқтисодиётни юксалтиришни айнан қурилишлардан бошлаган. У ижтимоий муассасалар, давлат ва жамоатчилик иншоотлари, коммунал хизмат кўрсатиш шохобчалари, йўллар, шокжўчалар ва кўприкларни барпо этишга катта эътибор қаратган.

Шу билан бирга, электр энергияси ишлаб чиқариш, экология ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш борасида кўп ишлар амалга оширилган. АҚШ улкан қурилишлар майдонига айланган.

Бугунги Ўзбекистонимизга – шаҳар ва туманлардаги бунёдкорлик ишларига боқиб, ниятимиз поклиги, амалий ишларимиз улғуворлигидан завқ олмаслик, ҳайратга тушмаслик, шу катта ишларга елка тугиб бермаслик асло мумкин эмас.

Кўнгилда илик туйғулар уйғотувчи бундай таассуротлардан сўнг ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг Фейсбукда 27 июль куни эълон қилинган фикрларини ўқиб осон эмас, албатта. У “Tashkent City” ва бошқа ободончилик билан боғлиқ қурилишларни нимагадир эътироф этгиси келмайди: “Эшитдимки, Роҳатдан нарироқда яна учта сити – Экосити, Этносити ва Киносити қурилarkan. Киночилар орзу қилган Киноакадемия ҳам ўша ерда бўларкан. “Ўзбекфильм” атрофида анҳорга туташ нечадир гектар бўш ер бор, студиянинг ўзида 2-3 та ҳайхотдай павильон ҳам бор. Ўшаларни таъмирласа, тартибга келтирса бўлади-ку, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Унда Киносити бўлмай қолади. Хуллас, мутлақо янги Киносити кураимиз.”

Дунё эшиклари кенг очилган бугунги ҳаёт ҳар жабҳада замон билан ҳамқадам бўлишни ва ривожланган давлатлар қатори мулкни хусусийлаштириш, мулкдорлар санои ҳаракатини турмуш фаровонлиги-

ни оширишга қаратиш, инвестицияларни жалб этиш орқали барча иқтисодий дастаклардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Мамлакат қанча обод бўлса, унинг хорижий инвестицияларни жалб этиш жозибадорлиги ҳам шунча ошиб бориши тайин.

Мурод ақанинг қурилишларда рўй бераётган кингирликлар борасидаги мулоҳазалари баҳслашиб-тортишиб ўтирадиган масала эмас. Бундай номаъқул ишларни инкор этиб бўлмайди. Қолаверса, ҳар ким қилмиш-қидирмиши учун бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ўзи жавоб беради. Аммо адолатли гап шуки, бугун эски, омонат бинолар ўрнида янгилари қад ростламоқда. Одамлар учун қулай шарт-шароит яратилмоқда. Ахир, ўзимиз кўрдик, Ўзбекистондай буюк мамлакатнинг пойтахти бўлган Тошкент ўртасидан оқиб ўтадиган анҳорнинг икки ёни бошдан охиригача бижиб кетган экан-ку. Назардан пана, нураб-чўқиб ётган уйлар, бостирмалар қанча эди. Мана, бугун ўша жойлар қандай обод бўлди! Бу салқин ва ораста хиёбонларда шаҳар аҳли, каттаю кичик оиласи, фарзандлари билан сайр қилиб, дам олиб, кўнгил ёзаётганини кўрганда бундай бунёдкорлик ишлари қанчалик аҳамиятли эканини яна бир бор чуқур хис этасан, киши.

Зиёлилар ҳамиша жамиятни бирлаштирувчи куч бўлиб келган. Уларнинг рост, ҳақ сўзидан одамлар рағбат ва мадад олган. Эзуликка етакловчи асарлар одамлар фикрига соғломлик бахш этган, кўнглини поклаган. Бугун биз зиёлилар учун бунёдкорлик ишларидан завқ ва илҳом олишнинг ўзи қамлик қилади. Биз ҳам янгиланишга, покланишга муҳтожмиз. Кўнглимизда, одамлар қалбида янги дунёқарашга асосланган “city”ларни қанча кўп бунёд этсак, ҳаётимиз шунча фаровон ва мазмунли бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу мулоҳазаларимни “Тол ёғоч” деб номланган тўртлгим билан яқунлашни маъқул топдим:

Ҳар тонг яхши ният ила кўзинг оч,
Ҳар ишнинг пок бўлсин,
Ҳар сўзинг – расо.
Не истасак, шундоқ бўлди тол ёғоч –
Болтага дастаю кексага асо!

Саъдулла ҲАКИМ

Яқинда украин адабиётининг фаҳри Леся Украинанинг ўзбек тилида “Машҳур-пресс” нашриёти томонидан чоп этилган янги китобини ўқиб чиқдим. “Тонг отмоқда” деб номланган ушбу тўғладда сермаҳсул ижодкорнинг шеърлари, достонлари ва драмалари жамланган. Леся Украинанинг Зулфия ва Шухрат, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, Сайёр ва Рауф Парфи, Жуманиёз Жабборов ва Маъруф Жаши, Носир Муҳаммад ва Абдулла Шер, Маҳкам Маҳмудов ва Гулҷеҳра Нуруллаева каби таниқли адибларимиз таржимасидаги ёлқинли асарларининг аксариятини илгари ўқигандим. Бу гал ҳам мириқиб мутлолаа қилдим. Янги таржималардан – шоиранинг “Ўрмон қўшиғи” драматини шоир ва таржимон Сирожиддин Рауф маҳорат билан ўзбекчалаштирган.

Янада муҳими, устоз Асил Рашидов украин шоираси асарларининг бадиятини ўрганиш билан ҳам шуғулланганини илк бор қашф этдим. Зеро, шу вақтга қадар Асил акани айтмаётган ослом олим, ардоқли адиб Чингиз Айтматовнинг мохир таржимони ва тарғиботчиси сифатида билар эдим. Архивимда тўшланган манбаларни арақлаб, устоз бундан 56 йил аввал Леся Украинанинг адабий портретини яратганига доир маълумотга дуч келдим. Ўшанда, яъни 1963 йил 31 июлда Асил аканинг “Леся Украинка” номли мақоласи “Ўзбекистон маданияти” газетасида эълон қилинган экан. 1972 йили Асил Рашидовнинг “Леся Украинка: адабий портрет” номли рисоласи Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган. Бу рисола 2010 йили “Шарк” нашриётида қайта нашр қилинган.

Профессор Нўмон Раҳимжонов Леся Украинанинг “Тонг отмоқда” тўғламига ёзган “Эрк фалсафаси” сарлавҳали сўзбошида асосли қайд этганидек, атоқли адабиётшунос олим Асил Рашидов шоиранинг адабий-эстетик ғоялари табиатини ёритишга эришган. Устознинг ушбу китобдан жой олган “Зулмат ичра зиё излаб” номли мақоласини ўқиб, бунга яққол амин бўлдим. Ҳақиқатан ҳам, ҳажман 48 бетлик, мазмунан жуда салмоқдор мақор тадқиқотда адабий таҳаллуси Леся Украинка бўлган эрк ва озодлик қуёиси Лариса Петровна Косачининг ҳаёт ва ижод йўлига хос нозик кирралар мохирона очиб берилган.

Ижодкорнинг оташин лирикаси, озошлик ва қаҳрамонлик достонлари, украин драматургияси тарихида чуқур из қолдирган ўндан ортиқ драма, драма-феерия, драматик поэма, драматик этюд, фантастик драма ва диалоглари мазмун-моҳияти ўзбек

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётдан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқи ва Ватанига фидойи фарзанд эди”. Асил аканинг “Эзуликка баҳишда умр” номли китоби ҳам ўтган йили қайта нашр этилди. Даставвал 2001 йили “Тошкент ислом университети” нашриёти томонидан чоп қилинган

УМР ИБРАТИ

ушбу эсдалик-хотирада Ўзбекистонда таржима назарияси ва амалиёти мактабига асос солган улуг олим, фан арбоби, ақоиб мураббий, мутаржим, муҳаррир Ғайбулла ас-Саломнинг ҳаёти ва ижод йўли чуқур самимият билан тараннум этилган.

Дарвоқе, Асил аканинг аллома Ғайбулла ас-Салом билан танишувига ҳам айнан Шароф Рашидов сабабчи бўлган. Бу ҳақда Устоз шундай хотирлайди:


“1959 йил декабрь ойида Ўзбекча-русча катта луғат чоп этилди. Шу

тақриз ёздик. Дўсту биродарлигимиз, қадрдонлигимиз шу тарика бошланган. Кейинчалик луғат устига қомус, қомус устига таржима қўшилиб, илмий ва ижодий ҳамкорлигимиз кўлами янада кенгайиб кетди”. Ўша даврда таниқли олим А.Боровков таҳрири остида чиққан “Ўзбекча-русча луғат” ҳақида Шароф Рашидовнинг ташаббуси ва тавсияси билан уч нафар муаллиф ҳамкорлигида ёзилган салмоқли тақриз “Маданиятимизнинг катта ютуғи” сарлавҳаси остида “Шарк юлдузи” журналининг 1960 йил июнь сониди эълон қилинган.

Ана шу илк илму ижод махсули баҳонасида икки меҳр-оқибатли аллома кейинчалик ҳам узок йиллар ўзаро “дўст, ҳамқору ҳамласт” (Ғайбулла ас-Салом ибораси) бўлганлар. Бу самимий муносабатлар ва яқин ижодий ҳамкорлик, ўз навбатида, халқимиз маънавияти сандигини чинакам маърифий асарлар билан бойитиб борган.

Албатта, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи, Давлат муқофоти совриндори, профессор Асил Рашидов ҳақида бошқа замондошлари, хусусан, атоқли адиб Чингиз Айтматов, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Олид Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Али ва бошқалар ҳам дил сўзлари битишган. Атоқли олимлардан Воҳид Зоҳидов, Салоҳиддин Мамажонов, Наим Каримов ва бошқаларнинг мақола, тақризлари газета-журналларда, китобларда чоп этилган.

Хулоса ўрнида қардош ва замондош адибимиз Чингиз Айтматовнинг қуйилган фикрларини келтирмоқчимиз: “Менинг ўзбек адабиётдан, муҳим эса қардош ўзбек китобхонлари қалбидан жой эгаллашмида Асил Рашидовнинг хизматлари бекиёс. Асарларимни ўзбек китобхоналарининг дилига етказиш учун кўп куч сарфлаган. У кишининг камсўзлиги, самимийлиги ва, айниқса, камтарлигини хуш кўраман. Раҳматли акаси Шароф Рашидов ҳақида бўҳтонлар тўқилганида у ҳам қанчалар изтироб чеккани аниқ, лекин ундаги умид, эътиқод заррачаем синмаганини эшитиб, бундай иродаси қучли одам билан яна бир марта ғурурдланам”. Олтиндек зағламайдиган ушбу самимий эътирофини биз ҳам чин кўнгилдан қўллаб-қувватлаймиз.

Ақмал САИДОВ,
академик

гуллик катта-кичик тахмонлар, тоқча-жавонлар йўниланган. Ҳатто, ҳашамдор муқовали китоблар, тангалар сочилиб ётган “зал”ларни кўрганлар бор...

Ҳисор тоғлари бағридаги бу сирли гўша олис, йўллари ма-шакқатли. Аммо бугунги тезкор даврда бу манзилни асло “чет-да”, деб бўлмайди. Мезонларнинг айтишича, ҳозирданок испан, француз, немис сайёҳлари бу мўъжизани кўришга жуда иштиёқ-манд экан. Елкасида сафар қопчаси, оёғида резина тишли қалин поябзал билан яёв келавераркан. Йўлнинг олислиги, сафар ма-шакқатлари уларни чўчитмас экан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили кузда Хоразм вилоятига ташрифи чоғида: «Биз чет эллик туристларни қадимий та-рихимиз ва қадриятларимиз билан жалб қилишимиз мумкин. Лекин Хоразмнинг, Хиванинг тарихи тўлиқ ўрганилмаган, уни таништи-риш бўйича тизим ҳам йўқ. Шунинг учун Хоразм тарихини энг қадимги даврдан бошлаб йилма-йил ўрганиб, одамларга содда тилда тушултиришни йўлга қўйиш керак. Муҳим даврлар ва воқеалар, ҳар бир хон ҳаёти бўйича шоурумлар ташкил этиб, сайёҳларни қизиқти-риш зарур», дея таъкидлаган эдилар.

Давлатимиз раҳбарининг ана шу даъвати нафақат Хоразмга, балки Сохибқирон туғилиб-ўсган Яқкабоғ, Шахрисабз, жумладан, Ҳисор тоғларидаги ушбу тоғга ҳам бирдек тегишлидир. Чунки бу улғувор тарихий манзиллар энди жаҳон аҳли назаридан четда эмас.

Жаҳонгашта дўстимдан хиндистонлик таниши Амир Темур ғори ҳақида бежиз сўрамаган! Энди бу жойларда халқаро туризмни йўлга қўйиш, бунинг учун, аввало, осма йўл ва кўприклар қуриш зарур. Эрталаб тик қияликдан аста-секин Қалъаи Шерон дарасига тушаётиб, ғаройиб мўъжизага дуч келдик. Қаршимизда, баланд-лиги тахминан 300 метрдан зиёд улкан жарликдаги табиий “суратлар галереяси”ни томоша қилдик. Диккат билан қаралса, улкан жанг манзаралари, от елдириб бораётган суворийларни илгаш мумкин. Энг юқорида, ойнадек текис юзада Сохибқирон-нинг “портрети” кўзга ташланади. Қизиғи, бу мўъжиза экспеди-циямиз аъзоларидан фақат икки нафарига яққол кўринди, қолган-лар эса турли-туман шакл-суратларни таърифлай кетишди. Чет эллик сайёҳлар, юртимиздаги ноёб тарихий обидалар бир томон бўлса, Амир Темур ғорининг ўзи алоҳида бир дунё, деб таърифлашар экан. Ҳақиқатан ҳам, бу ердаги синоатлар, мўъ-жизаларнинг саногига етиш қийин. Масалан, ғор ичидаги қўл сувининг шифобахшлиги боис, Сохибқирон уни жуда қадрла-ган. Жанговар сафарларга жўнаш олдидан махсус тери идиш – мешларда шу сувдан ғамлаб олишаркан. Бу обиҳаёт китига куч-қудрат бахш этиш баробарида, муҳорабаларда орттирган мажрухликни даволаш мақсадида ҳам қўл келаркан.

Кейинги гал бу табаррук манзилга келиш яна насиб этса шам ва шамдон, қалин дафтар ва қаламлар келтириб, ғорда қолдириш-ни ният қилдик. «Амир Темур ғорига борсангиз, фикру дунёқа-рашингиз ўзгариб, бошқача одам бўлиб қайтасиз. Кишида орият, самимият, қадр деган тушуналган кенгайиб, майда ва ёлғон гап-лардан ҳазар қиладиган бўлади», деганди адиб Ҳаким Сатторий. Очиги, ана шу гаплар нечоғли тўғрилигини синаб кўриш учун ҳам бу ерга келдим. Тўғри айтган экан: кенглик, юксаклик, гў-заллик, саховат, интилиш, машаққат, матонат, софлик, жасорат, ҳалоллик... мужассам бўлган манзилдан тафаккур равшан тортиб, ўзгариб, эзгу ниятларга тўлиб қайтмаслик мумкин эмас экан...

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюммаси аъзоси

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Омон бўл, мангу омон

Ватан десам кўнглимда кўз очган булоқлар бор,
Ватан десам жонимда порлаган чироқлар бор,
Ватанга садоқатдан минг битта сўроқлар бор,
Шукрим бошимизда мусаффо, тиник осмон,
Жонажон Ўзбекистон, омон бўл, мангу омон!

Эзгу ният, эзгу иш, инсон қадри, ғояси,
Тинчлик, дўстлик тоғидир байроқ тиксан қояси,
Бу элдан мангу йироқ ёмонлиқнинг сояси,
Ўзинг онам, ягона, меҳри дарё, меҳрибон,
Жонажон Ўзбекистон, омон бўл, мангу омон!

Бахт тилаб бахтиёрлар, тилагидан нур топган,
Яхшилик қилиб яйраб, юрагидан кўр топган,
Худо берган сарбонин зўр таллаган, зўр топган,
Қардошга қучоқ очган, ётга ҳам ширин забон,
Жонажон Ўзбекистон, омон бўл, мангу омон!

28.07.

Бунда кийикларнинг
кибори ўзга

Кўксимни тўлдирди тоғлар ҳавоси,
Кўзимда ям-яшил чаман жилоси.
Ногоҳон жонимда жаранглаб кетди,
Сувлар навосими, еллар навоси.

Бунда тошлар билан тиллашмоқ мумкин,
Бунда бургут билан сирлашмоқ мумкин.
Булбулдан ўтказиб қуйласанг бўлар,
Кўзларга сиғмаган тоғларнинг кўркин.

Кийик ўтларининг ифори ўзга,
Бунда кийикларнинг кибори ўзга.
Булоқлар бахт тилаб бикирлаб ётар,
Бир ичсанг, бир умр хумори ўзга.

Арчалар тоғларга Аллох эккан гул,
Асири эрурман, асири буткул.
Игна баргларига жон ипин ўтказ,
Окибат либосин тикиб берар ул.

Сойларга қўшилиб дилинг шовуллар,
Қўёш кокил ёйса, кўзинг ловуллар.
Бунда булутлар ҳам бахтиёр жуда,
Ёзларни йиғлатар ногоҳ довуллар.

Аё дўст, тоғларда ҳурлик ҳавоси,
Майсалар шивир – Ҳаққа саноси.
Шалола шаклига айланар кўнгил,
Ушбу шеър – Махмуднинг шукрин садоси.

27.07.

Бошланиши 1-саҳифада

Буни қарангки, орадан икки йил ҳам ўтмай бу гаплар реал воқеликка айланиб, кўзларимизни қуватиб, дилларимизни янатиб турибди. Бунга биз айнаи ёз чилласида Зомин тоғларидаги салкин, сўлим Ўрикисойда қад ростлаган Навоий кон металлургия комбинати санаториясига боргач амин бўлдик. Бирор жойга сафар ёки саёхатга бориб қайтсак, улугларимиз “Еган-ичганинг ўзиники, кўрган-кечирганларингдан гапир”, дейишди. Шу ўғитга амал қилган холда мен ҳам Зомин сафаридан олган таассуротларимни баҳоли қудрат қозоғга туширишга ҳаракат қилдим.

Президентимизнинг тавсияси билан сихатгоҳга бепул йўланма олган бир гуруҳ фахрийлар тушган замонавий автобус эрталаб Тошкентдан йўлга чиқди. Автобусда борарканмиз, юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлаётган улкан қурилиш ва бунёдкорликлар эътиборимизни тортмай қолмади. Хусусан, Ховосда йўлнинг икки томонида қурилаётган замонавий кўп қаватли уйлар, Зоминда қурилаётган кўркам тураржой ва бошқа иншоотлар мамлакатимиз бўйлаб юз бераётган янгиланишлар ва ўзгаришларни бутун маҳобати ва салобати билан кўз-кўз қилиб турарди. Айни туш пайтида кўзлаган манзилимиз — Жиззах вилояти Зомин туманидаги Ўрикисойга етиб келдик.

Ҳамма диққат-эътиборини Ўрикисойнинг ўнг тарафига жойлашган, бамисоли қанотларини ёзиб турган улкан оққушдай оппоқ “НКМК” санаторияси биносига қаратди. Навоийлик меъмورларнинг лойиҳаси асосида қурилган иншоот ҳар қанча таҳсин ва мактовга муносиб эди.

Албатта, сихатгоҳга келувчилар мириқиб хордик чиқариш билан бирга, ўз саломатликларини мустаҳкамлашни ўйлашлари табиий. Шу боисдан тушликни қилиб бўлгач, бош шифокор Одижон Мамажонов етакчилигида санатория-

нинг физиотерапия бўлими билан таниш-шишни бошладик. Физиотерапия муолажаларини олишдан аввал дам олувчилар малакали шифокор кўригидан ўтказилиб, мукаддам қандай касалликлар билан оғиргани, қон босими, юрак-кон томир касалликлари бор-йўқлиги обдан аниқланиб, шундан кейингина даволаш муолажалари белгиланар экан. Сихатгоҳда кислород терапияси, ингаляция, фитобар, нур ҳамда лазер билан даволаш, ичакларни ювиш, зарбали-гўлжин-

ли даволаш, укаланиш, шунингдек, теннис, вело-тренажёр, ҳаракатланувчи йўлак каби даволаш-муолажа қурилмалари мижозларга хизмат кўрсатмоқдаки, бундай жиҳозларни ҳамма ерда ҳам учратиш маҳол. Аниқроқ айтсак, энг замонавий русумдаги мазлаўт ускуналар Буюк Британиянинг “БТЛ” компаниясида ишлаб чиқарилган. Дам олувчи сифатида менга маъқул бўлган яна бир муҳим жиҳати, хизмат кўрсатаётган шифокорлар ва ҳамшираларнинг ўта ҳушмуомала ва ширин-сўзчилиги, десам муболага бўлирди. Айниқса, шифокор ва ҳамшираларнинг нуруний инсонларга зоминликларга хос ҳурмат билан “отажон” ёхуд “бобожон” дея мурожаат қилишларидан одам беихтиёр эриб кетади.

Сихатгоҳда ижодкорлар билан бирга Қўзилқум бағридан олтин ва бошқа қимматбаҳо маъданлар қазиб олаётган Навоий ва Зарафшон шаҳридан келган турли ёшдаги юртдошларимиз оила аъзолари билан дам олиш-шафтиганини кўрдик, улар билан яқиндан танишдик. Кечки пайт комбинатнинг меҳнатда илгор ишчи-ҳодимлари билан

тадбир ўтказилиб, пойтахтдан борган улуг ёшдаги давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, жумладан, Раҳим Ражабов, Жиззах вилояти Пахтакор туманидан дондор фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов, Ўзбекистон Республикаси “Нуроний” жамағармаси Қорақалпоғистон бўлими раҳбари Шароф Уснатдиновлар сўзга чиқдилар. Умрларининг энг кайнок даврларини Ватанимиз равақи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида сарфлаган фахрий-

тонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мирзо Кенжабек, шоирлардан Турсун Али ва Ҳол Мухаммад Ҳасанларнинг чиқишларини томошабинлар гулдурас олқишлар билан қарши олишганини кўриб янада хурсанд бўлдик. Қарангки, Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқаришнинг оддий ишчи ҳодимлари эмас, балки адабиётимизнинг нозиктаб мухлислари ҳам ишлашар экан.

Дам олишимизнинг иккинчи кун

бахш этар экан. Кузатишимча, даволаш муолажаларидан сўнг ижодкорларимиз кўпроқ ижод билан банд бўлишди. Зотан, бундай қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, ижод қилмаслик, қозғоқ қораламасликнинг илоҳи йўқ.

Айтиб ўтиш керакки, санатория яқинда очилганига қарамай, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати мутасаддилари сазй-ҳаракатлари билан бахш этар экан. Кузатишимча, даволаш муолажаларидан сўнг ижодкорларимиз кўпроқ ижод билан банд бўлишди. Зотан, бундай қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, ижод қилмаслик, қозғоқ қораламасликнинг илоҳи йўқ.

Айтиб ўтиш керакки, санатория яқинда очилганига қарамай, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати мутасаддилари сазй-ҳаракатлари билан бахш этар экан. Кузатишимча, даволаш муолажаларидан сўнг ижодкорларимиз кўпроқ ижод билан банд бўлишди. Зотан, бундай қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, ижод қилмаслик, қозғоқ қораламасликнинг илоҳи йўқ.

Сўзини мухтасар қилиб айтган бўлсам, мамлакатимиз раҳбари таъбибси билан Зомин тоғлари бағрида бунёд этилган ушбу сихатгоҳ келгусида ижодкорларимизнинг сеvimли масканига айланишига ва бу ерда кўплаб бадий ижод намуналари яратилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

қоларли онлари бўлди, десам хато қилмаман. Бийдай адиблар ўртасидаги дов-дарахтлар яшнаб турган “Хўжамушкент ота” зиёратгоҳи тарихи салкам минг йилларни қоралайди. Маълум бўлишича, ҳолис иҳлос билан борган зиёратчилар бу ердаги “Ният булоғи”дан ўз ташналикларини қондирибгина қолмай, Яратгандан орзу-ниятларининг ушалишини сўраган экан.

Очиги, халқимиз кўпинча иш, турмуш ташвишларига ўралашиб, хордик чиқариш ёки саёхатларга чиқишга иккинчи даражали масала, деб қарашди. Зоминга йўл олмасдан бурун мен ҳам шундай фикрда эдим. Аммо келиб кўрдимки, баъзан дам олиш ҳам зарур экан, сихатгоҳда яратилган шарт-шароитлар мени бир қувонтирган бўлса, Усмон Азим, Махмуд Тоир, Мирзо Кенжабек, Ҳол Мухаммад Ҳасан, Турсун Али каби сеvimли шоирларимиз билан дилдан мулоқотлар, кизгин мушоиралар ўн чандон мамун этди. Ўзбекистон Консерваторияси профессори, композитор Ойдин Абдуллаевнинг соҳир қуйлари, телевидение-мизнинг атоқли суҳандонлари Насиба Қамбарова ва Галина Мельниковаларнинг суҳбатларидан қанчадан қанча қизиқарли маълумотлар олдим. Дам олиш масканига юртимизнинг ақолиб кишилари — қорақалпоғистонлик Шароф ога Уснатдинов, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов, кекса машинасоз Раҳим Ражабовлар билан танишдим. Катта ҳаёт таърибасига бу кишиларнинг умр йўллари ёзаман, десангиз кисса ёки романига аризулик.

Сўзини мухтасар қилиб айтган бўлсам, мамлакатимиз раҳбари таъбибси билан Зомин тоғлари бағрида бунёд этилган ушбу сихатгоҳ келгусида ижодкорларимизнинг сеvimли масканига айланишига ва бу ерда кўплаб бадий ижод намуналари яратилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Абдураҳим АЗИМОВ

КЎНГЛИМДА КЎЗ ОЧТАН
БҮЛОҚЛАР

Зомин тоғ арчалари

Йўл юрсанг очилгайди,
Еру кўк дарчалари.
Осмондан сочилгайди,
Зомин тоғ арчалари.

Яратган инояти,
Шукрининг кифояти,
Ҳайратлидир ғояти,
Зомин тоғ арчалари.

Булутдан бўса олар,
Қаҳрири тўса олар,
Кувончдек кўзда қолар,
Зомин тоғ арчалари.

Игнаси ифор сочар,
Димоғинг гўлдек очар,
Жисминдан дардинг қочар,
Зомин тоғ арчалари.

Кийик ўти, тоғ райхон,
Зомин бағри бог, райхон,
Ям-яшил Ўзбекистон,
Зомин тоғ арчалари.

Бошида яркироқ ой,
Пойида шаркироқ сой,
Етти оламга чирой,
Зомин тоғ арчалари.

Зомин тоғ табияти,
Арча абадияти,
Момо Ер тарбияти,
Зомин тоғ арчалари.

Тўлиб айтдим, тўкилдим,
Пойингда тиз букилдим,
Чиройингга юқундим,
Зомин тоғ арчалари.

24.07.

Шукр

Хазонлар – умрини яшаган япроқ,
Топтама, яшашнинг шукрин қил кўпроқ.
Дамо-дам ўзининг офтобга солма,
Ёнингга соянгдан келгуси сўроқ.

Кибринг гар рангининг сариқ тутмайди,
Ҳаёт ғимматини дариг тутмайди.
Эртанинг умиди дилида турса,
Чўпон кўзисини ариқ тутмайди.

Мухаббат нймондан очилган гулдир,
Мухаббат меҳрдан сочилган гулдир.
Гулки, ўз баргила пардаланмаса,
Оёқлар остида янчилган гулдир.

Хазонлар – умрини яшаган япроқ,
Хазонлар – ошини ошаган япроқ.
Ай Махмуд, умрининг яшаб ўтсанг ҳам,
Дилларда яшанган япроқ бўл, япроқ!

1.08.

Сўз

Ким кўнгил кўзиман кўрди дунёни,
Дилга ракам этди сўймас зиёни.
Одам одамлиги ўзин илкида,
Одам оламлиги мулки Худони.

Гар кўнглинг кўзида нймон нури бор,
Билгилки, дилингда жаҳон нури бор.
Ва лекин унутма, кимдан яралдинг,
Ҳақиқат кўзгуси Қуръон нури бор.

Одамзот – Нур билан Ақл меваси,
Хорунни хок қилган жаҳл кемаси.
Оқиллар кам сўзлаб, кўп тинглайдилар,
Сўздан ҳалок бўлур, сўзнинг эгаси.

29.07.

Шуриқ туриб

Ёмонлигинг кўзингдадир,
Қаролигинг юзингдадир,
Ҳасадларинг сўзингдадир,
Яхши бўлиб кўрганмисан?

Инсон кўзи кўзгу, ахир,
Инсон сўзи ёғду, ахир,
Қайдан сенда шунча қаҳр,
Айтгин, қулиб юрганмисан?

Ойнинг ойдин кечасида,
Йўл яхлаган кўчасида,
Ўз уйининг дарчасида,
Қандай тўлиб турганмисан?

Яхшиларнинг чироғида,
Дарёдининг булоғида,
Хўш мезбоннинг қуноғида,
Сухбати сўз кўрганмисан?

Қалқиб кетдим қабоғингдан,
Заҳар ёғар қароғингдан.
Бир нонни кўй, увонингдан
Эҳсон завқин сурганмисан?

Саволларим сароб бўлди,
Дилим ҳокитуроб бўлди,
На бирон бир жавоб бўлди,
Тирик туриб ўлганмисан?

30.07.

Имкон

Инсон нега келар дунёга дема,
Бу дунё биз учун йўловчи кема.
Кеманинг эгаси қошигда турар,
Сен асло кеманинг ғамини ема.
Ўз умрин яшагача келар ҳар инсон,
Ўз ризкин ошайди ҳар бир тирик жон.
Ва лекин яшадан энг буюк мақсад,
Ўз сўзин айтишга берилган имкон.

30.07.

Қаломи

Сўз ташиб, сўз билан савдо қилишар,
Ғалва бозорини пайдо қилишар.
Ўзин бир юзашдан бир пулга олмас,
Шу қалби касодлар ғавго қилишар.

Жонзотлар ичиди инсонни Худо,
Сўзлаш неъматини-ла қилганди аъло.
Шу улуг неъматини совурган билмас,
Машхароғда кутар қандайин жазо.

Тўғри сўз инсонни саодатлайдир,
Саодати ила қамолатлайдир.
Ўзин поклаш учун Ҳақ қаломи бор,
Ўқиган нймонни даволаттайдир.

1.08.

Шукр

(Рафиқамга)

Умр бизлар учун бахтга берилган,
Эзгу сўз, эзгу иш, шахтга берилган,
Ойла деб аталмиш тахтга берилган,
Тахтнинг эгаси-ла ёруғ хонаси,
Наздимда бахтлимиз бизлар, онаси.

Ҳаёт қирқ йил оша синаб келмоқда,
Бот-бот бошимизни силаб келмоқда,
Гоҳида ҳасад ҳам тунаб келмоқда,
Кўнглим чирогининг сен парвонаси,
Сен борсан мен буткул бахтли, онаси.

Фарзандлар – болимиз тилимиздаги,
Набиралар – наво дилимиздаги,
Оиламиз – оримиз элимиздаги,
Гуллат, гул қирсин, бахтинг шонаси,
Биз ахир, бахтлимиз, бахтли, онаси.

Рўзгорни ғор дерлар – нолиш бўларкан,
Одам одам ахир, толиш бўларкан,
Вафо бошимизда болиш бўларкан,
Бизни енголмади ғамининг шарпаси,
Бахтлимиз, эл шохид, бахтли, онаси.

31.07.

Бизнинг Ўзбекистон

Ватан бу – жонингда оққан чашмадур,
Шу боис Ватанга ҳар жон ташнадур.
Ватандан узокда ҳар ким озурда,
Ватан – оstonадан, дилдан бошланур.

Ҳаёт – бу имтиҳон асида бор гап,
Ундан хўш ўтмоқлик энг буюк матлаб.
Ватан имтиҳоннинг оппоқ қозони,
Унга доғ тушмаса яна бир шараф.

Ватан азаллиги изингдаги нур,
Ватан гўзаллиги кўзингдаги нур.
Ўзбекистон деса, офтобланган сайн,
Чулки Ўзбекистон – кўксингдаги нур.

Хурлик ҳавосидан бутун халқ хуррам,
Тинчликнинг навоси ҳар жонга малҳам.
Олам оразидан англаганим шу –
Бизнинг Ўзбекистон – мислсиз кўркам.

29.07.

УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР



ларимиз юртимизда кейинги йилларда бўлаётган ўзгаришлардан тўқиниланиб, ўзларининг ҳайратлари ва мамнуликларини изхор этиб, тингловчиларни батамом мафтун этиб қўйди.

Кечада Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим ва Махмуд Тоир, Ўзбекис-

нонуштадан сўнг, яна даволаш муолажалари бошланди. Ўша кун санаториядан тахминан уч километрча нарида жойлашган туз ғорига бордик. Инсон қўли билан яратилган мазкур туз ғори нафас йўлларида ташқари яна бошқа кўплаб аъзоларга шифо

ЎЛАН — СЎЗНИНГ САРАСИ

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик-ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилган бугунги кунда икки қардош халқ орасидан етишиб чиққан улуг сиймоларни қадрлаш, улар қолдирган ўлмас меросни ўрганиш, тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори қардош Қозоғистон халқига, унинг бетакрор адабиёти ва маданиятига бўлган улкан ҳурматнинг ёрқин ифодасидир. Ушбу қарор доирасида ҳар йили шоир туғилган кун — 10 августда Тошкент шаҳрида ўрнатилган Абай Қўнонбоев ҳайкали пойига гул қўйиш маросими ва тадбирлар ўтказилади.

2018 йили Қозоғистонда кўтаринки руҳда ўтган “Ўзбекистон йили” давомида мазкур ҳамкорлик ўзининг нақадар ҳаётий аҳамиятини кўрсатди. Ўзбек адабиёти вакиллари Нур-Султон, Алматы, Чимкент, Туркистон шаҳарларида ўтган адабий тадбирларда, фестивалларда фаол иштирок этди. Тошкентда эса, буюк Абай Қўнонбоев таваллуд санаси муносабати билан улкан адабий анжуман ташкил қилиниб, унда Қозоғистон Ўзбекистон иттифоқи раҳбарияти, бир ғуруҳ қозоқ адиблари қатнашди. Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида Абайнинг “Сайланма”си, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат-илмий нашриётида “Қозоқнинг қирқ оқинидан қирқ ўлан” китоби чоп этилди.

Ушбу жараён жорий йилда ҳам юксак савияда давом эттирилиб, Ўзбекистон уюшмасининг энг фаол аъзолари ўзбек-қозоқ адабий алоқаларини янада мустаҳкамлаш, қозоқ мумтоз ҳамада замонавий адабиётининг энг яхши намуналарини она тилимизга ўзириш борасида барақали меҳнат қилди.

Мутафаккир шоир ижодидан қилинган янги таржималар “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан “Қўзимнинг қораси”, “Ўзбекистон” НМИУ томонидан “Оққув қанотида қўнган оҳанглар” номлари остида нашр этилди.

Муҳтарам газетчи-нашриётчи ушбу китобларга киритилган шеърлардан намуналар ҳавола қилинмоқда.

Тахририят

Ўлан — сўзнинг пошшоси, сўз сараси,
Кийиндан кийилтирар эр доноси.
Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,
Теп-текис, силлиқ келсин айланаси.

Сараланмай бўлганса сўз ораси,
Бу — оқиннинг билимсиз — бечораси.
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон,
Сўз танимас бул юртнинг бир пораси.

Сўз боши аввал ҳалис, оят бўлур,
Шираси ҳам маъноси ғоят бўлур.
Улуглар ҳам сўзини ўлан қилган;
Ўлан айтмай, шоядқи, кўнглим тўлур.

Мен ўлани ёзмайман эрмак учун,
Ўткан-кетган тапларни термак учун.
Мен ўлани ёзмаман тушунганга,
Авлодимга бир сабоқ бермак учун...

Кийинки-қийини йўлларда келма менга;
Тўғри кел, кўп сир очиб ташлай сенга.

Эҳтимол, биринчи гал ўқимасан ҳам,
Ўлан алифбесидан бошлай сенга...

Мен ўланда афсона қўйламадим,
Олтиндан қўйма қизни ўйламадим.
Кексаларга ҳеч ўлим тиламадим,
Ёшларга ёмон бўл, деб сўйламадим...

Ўлан кўп, тузсиз ўлан тегди жонга,
Ёлгон гап тегиб кетди бу жаҳонга.
Оқинларга ялинаман, ақлга кир,
Асл сўз, сайлаб сўйла ёш инсонга.

Ўзгага, қўнглим, тўйсан,
Ўлани қандок қўйсан?
Уни айтганда тўлганиб,
Ичлаган дариғи тўйсан.
Сайра-да, зорла, қизил тил,
Ўтди қўнглим уйғонсин.

Кўкрагинда ўти бор,
Қулогин доно эр солсин.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК



Тингламаса ҳеч одам,
Ўз юрагим тўлгансин.
Ҳар сўзига қарасин,
Ичлаган дардим қўзғалсин.

Ҳаволансин, қалқисин,
Ўтда темирдай балқисин.
Йиғлай қуйлаб ўлганда,
Ортадагига сўз қолсин.
Мендай ғариб кез бўлса,
Бўйини солсин, ўйлансин.
Макбул кўрса сўзимни,
Ким таниса — шу олсин.

Севги тили — сўзсиз тил,
Кўз билан кўр, дилдан бил,
Бир қараш ё бир имо.
Билар... Боғланар қўнғил...

Билардим бу тили мен,
Овлардим кўп дили мен:
Унутдим: бу тил сирин
Ва сочи сунбули мен...

ЯНГИ ДАВР ШИДДАТИДАН РУҲЛАНИБ

Таниқли шоир Турсун Али билан суҳбат

— Яқинда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” Президент қарори эълон қилинди. Бундан икки йил муқаддам эса Давлатимиз раҳбари ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашиб, суҳбатлашган эди. Ўтган вақт давомида мамлакатимиз ижтимоий, маънавий ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Ушбу тарихий жараён ижодкор сифатида Сизнинг фаолиятингизга қандай таъсир кўрсатди?

— Қарорда таъкидланганидек, “Халқимиз учун энг улуг, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан қутиб олиш, бу қўтлуг санани унинг моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилопларига муносиб тарзда нишонлаш”га тайёргарлик қўриш ва бу жараёнда фаол иштирок этиш, халқимиз шодлигини биргаликда баҳам қўриш барча юртдошлар қатори биз ижодкорларга ҳам жуда катта фавқу тавоит бўлди.

Дарҳақиқат, гуруҳ бағишлайдиган ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашуви ижод аҳлини тўлқинлантирди. Мудроқ қалбларни уйғотди. Ижодкорнинг йўлини офтобдек ёритди. Бу тарихий учрашувдан сўнг миллий адабиётимизнинг янги даври бошланди. Кўп ўтмай — 2018 йил 5 апрель санасида Президентимизнинг “Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ўз манзилига эга бўлмаган Ўзбекистон уюшмаси учун янги бино қуриб берилиди. Миллий боғимиз ҳудудидagi сўлим масканга “Адиблар хибони” номи берилиди. Ўзбекистоннинг ижод қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Буларнинг бари ижодкор ҳам-касбларини қатори мени ҳам беҳал қувонтирди ва шу билан бирга зиммамга улкан масъулият юкланди. Бунёдкор замондошларимиз орасида бўлишга, улар билан юртимизнинг келажаги ҳақида чин юракдан самимий суҳбатлашишга интилим, эл дардини ёзишни ўз бурчим деб тушундим. Ўзбекистон уюшмаси йўлнамаси

билан мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудлари, тоғли қишлоқларида яшаётган юртдошларимиз ҳаётидан мақолалар ёзишга бел боғладим.

Кейинги пайтларда Жиззах, Ғаллаорол ва Зомин туманларидаги тоғ қишлоқларида адабий учрашувларда бўлиб, туркум шеърлар қораладим. Яқинда нашр этилган “Мовий булутлар” номли китобимга ҳам тоғ манзаралари тасвирланган шеърларим киритилган.

Ўтган йили нашр этилган “Турналар йўли” номли китобим адабий публицистик мақолалардан ташкил топан. Шу кунларда “Юраётган йўллар” номли достонимнинг иккинчи қисми устида ишлаяман. Асарнинг биринчи қисми кечаги кунимиз ҳақида бўлса, иккинчи қисмида бугун эртанги кунимизнинг пойдеворини қураётган бунёдкор қаҳрамонлар суварти ва сиёртини акс эттирмоқчиман.

Куни кеча Жиззах вилояти Зомин туманида бунёд этилган “НКМК санаторияси”да ижодкорлар ва меҳнат қаҳрамонлари, нуруний инсонлар бепул даволаниб, дам олиб қайтди. Албатта, бир қанча меҳнат фидойилари билан ҳам юзма-юз суҳбатлар қурдик.

Шу ерда танишганим, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг профессори Муҳайё Шоумарова 58 йилдан бери бир жойда ишлаётгани, ёшларга дарс ва тарбия беришдан чарчамаётгани мени ҳайратлантирди. Шундай замонамиз қаҳрамонлари ижодкорга илҳом беришига ишонаман. Зотан, ҳар қандай асар ҳаётдан, одамлар турмушидан туғилади.

— Бадий асар таҳлил этилаётганда “ҳаёт ҳақиқати” ва “бадий ҳақиқат” деган тушунчалар тилга олинади. Бугунги ҳаётимиздаги воқеалар қай даражада бадий ифодаланмоқда? Умуман, адабиёт ва ҳаёт, ёзувчи ва замон ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Албатта, бадий асар ҳаётга тўғра бўлиши билан ўқувчи қалбига йўл топади. Ёлгон ва тўқилган асарлар дилларга юкмай, сувга тушган пўкак каби қалқиб тураверди. Бундай асарлар ўқувчини китобдан бездириб қўяди.

Бугун юртимизда ҳаёт булоқдек қайнаб турибди, ҳамма соҳада интилиш, янгилик. Улкан бунёдкорлик, катта қурилишлар амалга оширилмоқда. Афсус, мамлакатимиздаги бугунги улкан шижоатни, янги давр шиддатини ҳали етарлича шеър ва достонларда акс эттирилганим йўқ. Бугун Ўзбекистон уюшмаси ижодкор аҳлини мамлакатимизнинг хоҳлаган ҳудудига бориб, асар ёзишига йўлланма, иқтисодий кўмак бериб турибди. Шу руҳда ёзилган қўл-ёзма асарлар ижод этиш, мамлакатимиз тарқатилишига бош-қош бўлаётган. “Адиб ва жамият” руқнида чоп этилган Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон, Махмуд Тоир ҳамда каби ижодкорларнинг китоблари

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

фикримга далилдир. Бугун ижод аҳлига дам олиши ва самарали ижод қилиши учун “Дўрмон” ижод уйи, Зоминдаги дам олиш маскани хизмат қилиб турибди. Ижодкорга бундан орт-ти яна нима керак?! Фақат юрт кезиш, бадий юксак асарлар ижод этиш, мамлакатимиз тарқатилишига бадий асарларда очиб беришимиз зарур. Аммо адабий жараён камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи, адабий тилнинг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланилмаётгани мени ташвишга солади. Бугунги ўқувчини жиддий асарлар мутлоасига даъват этишимиз керак, енгил-елпи ёзилган асарлар билан қанчалик бадий асарларга бой шеърлар муҳлисари бадиятнинг сирли, сеҳрли оламида баҳраманд этиди.

— Ҳозирги адабий жараён солномасини яратишда адабий танқиднинг ўрни қандай? Сизнингча, бугун қандай адабий эстетик тамойилларга эътибор қаратилмоқда?

— Адабий танқид адабиётимизнинг ривожланишига, қамол топишига катта ҳисса қўйиши лозим. Бирок, назаримда, бугун яратилаётган асарлар кўп-у, бироқ уларнинг таҳлил ва таққини суст. Асарнинг чуқур таҳлилига асосланган, камчиликлари рўй-рост айtilган танқидий

мақолалар кам. Танқидчи таниш-билишчилик, юзотирчиликка йўл қўйса, бундан муаллиф ҳам, китобхон ҳам наф қўрмайди.

Албатта, бугунги кунда адабий жараён ҳақида холис фикр билдираётган олимлар Наим Каримов, Бахтиёр Назаров, Умарали Норматов, Йўлдош Солижонов, уларнинг издошлари Баҳодир Карим, Узоқ Жўрақулов, Исроҳил Ёқубов, Улуғбек Ҳамдам сингари фаол адабиётшуносларнинг мақолаларини, китобларини қизиқиб ўқийман. Яқинда профессор Қозоқбой Йўлдошнинг “Сўз ёлқини” номли адабий мақолалар тўпламининг тақдими Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмасида ва Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида ўтказилдики, бундай тадбирлар танқидчиликни фаоллаштиришга хизмат қилади. Бирок адабий танқид соҳасида янги-янги номлар, овозлар етишмаётгандек, назаримда.

— Бадий таржима шоир ёки ёзувчининг ижодий маҳоратини намоён этади. Ўзингиз ҳам таржима билан шуғулланасиз. Бугун бу йўналишда аввалгига ўхшамаган қандай тамойиллар кўзга ташланыпти?

— Дарҳақиқат, таржима шоир ёки ёзувчи учун катта ижод мактаби. Таржимон баҳонада муайян муаллифнинг асарини қайта-қайта мутлоаб қилади. Унинг бадий қирраларини синчиклаб, мавзунинг ич-ичига кириши табиий ҳол. Муаллифнинг маҳоратини, услубини, руҳиятини ўрганиш жараёнида беихтиёр таржимоннинг ҳам бадий маҳорати ошади.

Ўзим ҳам япон, хитой шеърини намуналарини ўқиш, ўрганиш, таржима қилиш жараёнида баҳоли қудрат кичик шеър шаклини ўзлаштирдим. Албатта, таржима санъати оғир ва масъулиятли жараён. Асарнинг руҳига кириб, аслият мазмунини юрак призмасидан ўтказиб ўз тилингизда қайта қозғошга тушириш катта иқтидорни талаб этади. Бу борада машҳур адиб Борхес шундай деган: “Олдинлари бадий асарни таржима қилиб бўлмайди, дер эдим. Энди-чи? Ҳар қандай асарни таржима қилса бўлишига ишондим, қачонки таржимонга Худо томонидан иқтидор берилган бўлса...”. Ҳа, асар таржимондан фақат тилини билишигина эмас, истеъдодни ҳам талаб этади. Бугунги ёш таржимонларимизнинг аслиятдан таржима қилишаётгани қувонarli, албатта.

Улуғ бобомиз Амир Темур фаолияти барчамиз учун юксак ибрат намунасидир. Айниқса, юрт посбонлари учун Сохибқироннинг ҳарбий санъати, адолат йўлидаги курашларга тўлиқ ҳаёт йўли муҳим аҳамиятга эга. Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси мажлислар залида

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан шу мавзуда учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда қайта таҳрир қилинган, тўлдирилган ҳамда ёшларга тушунарли бўлиши учун тарихий сўзларга изоҳлар берилиб, янги алифбода чоп этилган — тўрт китобдан иборат “Улуғ салтанат” тетралогияси, икки китобдан иборат “Сарбадорлар” романи, шунингдек, назмий асарлар, эсселар, суҳбатлар жамланган “Амир Темур чамани” ва “Амир Темур қалбиди чакнаган нур” деб номланган китоблар тақдими бўлиб ўтди.

ПОСБОНЛАР ҲУЗУРИДА

— Илк бор 1967 йили “Тумбадаги нур” достонимда Амир Темур мавзусига ёндашганман, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — Шундан сўнг ўтган қарийб ярим асрдан зиёд вақт давомида Сохибқиронга атаб кўплаб шеърлар, достонлар, романлар ёздим. Академик Матёкуб Қўшжоновнинг хайрихоҳлиги билан “Улуғ салтанат” асаримни ёзишни бошладим ва йигирма йил ичида тўрт жилдан иборат тетралогия яратилди. “Сарбадорлар” романи ҳам мантиқан “Улуғ салтанат”да тасвирланган давр халқ ҳаёти акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вакиллари, Қуролли Кучлар академияси умумқўшин факультети курсантлари, малака ошириш факультети тингловчилари, Академия профессор-ўқитувчилари, Тошкент гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм хизматчилари иштирокидаги тадбирда сўзга чиққанлар ўзбек давлатчилиги тарихида улкан ўрин тутган Амир Темур шахси, жанг санъати, адолатли ҳукмдор бўлгани эътироф этилди.

Муаллиф Сохибқиронга бағишланган китобларининг яратилиши, тарихий асар ёзиш машаққати ҳақида гапирди. Тақдими ўтказилган мазкур китоблар “Давр-Пресс” нашриёти томонидан чоп этилган. Тадбир ниятида тақдирот иштирокчиларига муаллиф дастхати битилган китоблар совға қилинди.

Ўз мухбиримиз



— Бугунги кунда ёш ижодкорларни тарбиялаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда: биринчи китоблари нашр этилмоқда, семинарлар ўтказилмоқда. Уларнинг ижодкор сифатида суяғи қотиши учун, Сизнингча, яна нималарга эътибор бериш керак?

— Айтганингиздек, бизда ёш ижодкорларга эътибор катта, уларнинг биринчи китоблари давлатимиз ҳисобидан чоп этилиб, катта адолат тарқатилаётган. Ҳар йили ёш истеъдодли шоирларга Зулфия номидаги давлат мукофоти берилаётгани ҳам ана шу эътиборнинг юксак намунаси. Мамлакатимизнинг бир, деярбила ижод мактабиди бўлди. Турар жойиго уч маҳал овқатидан тортиб, барча шарт-шароитнинг бекам қўстлигидан хайратга тушдим. Ёш ижодкорларга бундай эътибор ҳеч қайси мамлакатда йўқ. Бундан фахрланган холда, уларга илҳом ва маҳорат тилайман.

Тобора яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз айёмимизни юртдошларимиз билан муносиб нишонлайлик. Бугун барчамиз янги замон шиддатидан руҳланиб яшаймиз. Бу бир ижодкор сифатида менга ҳам қайноқ туйғулар, катта илҳом бағишлайди.

Рустам МУСУРМОН
суҳбатлашди.

Шу йил 30 — 31 июль кунлари Фарғона шаҳрида “Театр ва драматургия: ютуқ ва муаммолар” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан театр раҳбарлари, адабий бўлим мудири, режиссёрлар, актёрлар ва ижодкорлар қатнашди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Театрларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, санъатшунослик фанлари номзоди Мукаддас Ахмаджонова очиб, Ўзбекистон Маданият вазирлиги, хусусан, Театрларни ривожлантириш бошқармаси ҳамда театрлар томонидан ўтган икки мавсум мобайнида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ҳақида ОАВ ходимлари ва иштирокчилар учун кичик брифинг шаклида маълумот бериб ўтди.

— Жумладан, — деди ўз сўзида М.Ахмаджонова, — 2018 — 2019 йиллардаги театр мавсумининг ўзида иккита халқаро, учта республика театр санъати фестиваллари, битта халқаро илмий-амалий конференция ҳамда учта республика илмий-амалий семинари, иккита сахна асарлари танлови ўтказилди. Шу йили Театрларни ривожлантириш бошқармаси қошида жорий репертуардаги спектакллар профессионал камералар ёрдамида ёзиб олиниб, видеотека яратилди. Мавжуд 37 та театрнинг китоб-альбому яратилиб, 500 нусхада чоп этилмоқда. Барча театрларнинг сайтлари янгиланиб, уч тилда юритилмоқда, музейлари очилди ва ҳозирда энг замонавий музейларни

яратиш учун хориждан мутахассис таклиф этилди.

Республикада мавжуд 37 та профессионал театрда йилига жами 150-160

драма, комедия жанрларида ҳаҳон ва ўзбек классикаси намуналари, тарихий ва замонавий мавзулардаги спектакллар намойиш этилади.

Шу кунгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги аксарият театрларнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, 17 та театр биноси реконструкция қилинди ва 2022 йилгача барчаси капитал таъмирла-

Албатта, ютуқлар ўзимизники. Биро, амалга оширилаётган ишларнинг барчаси театр санъатининг ривожига хизмат қилади. Бугун бизнинг асосий вазифаларимиздан бири камчиликларга барҳам бериш йўлларини излашдир. Айнан бугун энг оғрикли нукталаримиздан бири — драматургия. Шу сабабли мазкур семинарни театр ва драматургия масалаларига бағишладик. Ушбу

режиссёр ҳамкорлиги”, Маданият вазирлиги Репертуар-тахририят шўбаси мудири Ҳайитмат Абдурашуловнинг “Республика театрларида репертуар масалалари” мавзуларидаги маърузалари тингланди. Шу билан бирга мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида баҳс-мунозара бўлди, фикрлар алмашилди.

Чикишларда “Асар йўқ, драматург йўқ” деган баҳоналар билан иш битмас-



ри уюшмаси бирлашиши, етуқ драматургларнинг жалб этган ҳолда ёш драматурглар лабораториясини ташкил этиши ишлари амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди. Ёш драматурглар билан ишлаш жараёнида уларни театр мухитига қўнқитириш, институтда олган билимларига қўшимча тарзда “устоз-шогирд” аъналарини шакллантирган ҳолда йўл-йўриқ кўрсатиш масалалари ҳам ўртага ташланди.

Семинарда маърузачилардан ташқари Театр арбоблари уюшмаси раиси Ёқуб Аҳмедов, Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри директори Пўлат Айтмуратов, Ўзбекистон халқ артисти Ёркиной Ҳотамова, санъатшунос журналист Гулчехра Умарова, Муқимий номидаги мусикий театр адабий бўлим бошлиғи Тўра Мирзо, драматург Нурилло Аббосхон ва бошқа мутахассислар ўз фикрларини билдирдилар.

Фарғона вилоятида ўтган мазкур семинар давомий бўлиши, келажакда бошқа вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилиши таклифи барча қатнашчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Қуйда маърузачилардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

ДРАМАТУРГИЯ — ТЕАТР АСОСИ



га яқин янги спектакль саҳналаштирилади. Бугунги кунда театрлар репертуарида 811 номда спектакль мавжуд. Турли ёшдаги, турли дид ва кизикчиларга эга томошабинларга трагедия,

ниб, реконструкция ишлари тутатилиши режалаштирилган. Навоий, Тошкент ва Наманган вилоятларида янги кўғирчоқ театрлари ташкил этилади. Айни кунларда Марғилон шаҳрида “Маком театри”ни ташкил этиши ишлари олиб борилмоқда.

тадбир келажакда драматургия соҳасининг юксалишига, албатта, ҳисса бўлиб қўшилишига ишонгимиз келади.

Тадбирда Наманган вилояти мусикали драма театри директори О.Усмоновнинг “Театр ва драматург ҳамкорлиги”, Андижон вилояти мусикали драма театри адабий бўлим мудири З.Нажмийнинг “Андижон вилояти театрларида драматургия муаммолари”, Фарғона вилояти мусикали драма театри адабий бўлим мудири С.Одиловнинг “Фарғона вилояти театрларида драматургия масалалари”, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини профессори М.Ашуровнинг “Кўғирчоқ театр драматургияси ва томошабин”, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Жўра Махмудовнинг “Драматург ва

лиги, халқимизнинг бой маданий-маънавий мероси мавжудлиги, дoston ва ривоятлар асосида болалар ва ўсмирлар учун асарлар инсценировка қилиниши мумкинлиги, улкан адабий меросимиз бўлиши бебаҳо асарларни бутунги кун талабига мослаштириш ўз самарасини бериши, бу ишларга, аввало, режиссёрлар масъул экани, ҳаётни пьеса ва спектаклга айлантириш учун ўша мавзу атрофидаги соҳаларни ўрганиш, одамлар билан мулоқотга киришиш, болалар учун асар ёзишни мақсад қилган драматург, керак бўлса, болаларлек фикрлаши, богча, мактабларга бориб болалар характерини ўрганиши лозимлиги тўғрисидаги фикрлар ўртага ташланди.

Юзага келган муаммоларнинг ечимини топиш учун барча санъат муассасалари, жумладан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, давлат театрлари, Ўзбекистон Театр арбобла-

САҲНАЛАРДА НИМА ҲАН?

2019 йилнинг биринчи ярмида республика театрларида кўзга кўринарили ишлар амалга оширилди. Ўзбек миллий академик драма театри “Абай” тарихий драмаси, “Чимилдик” этнографияк томошасини мухлисларга ҳавола этди. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри Чайковскийнинг “Иоланта” операси, Минкуснинг “Баядерка” балети билан томошабинларни хушнуд қилди. Муқимий номидаги мусикий театрда (режадан ташқари) Миркарим Осим қиссаси асосида Баҳодир Назаров томонидан “Тўмарис” мусиқали драмаси саҳналаштирилди. Ўзбекистон давлат мусикали комедия (оперетта) театри “Ўзбек аёли тақдири”, “Золушка”, “Граф Люксембург” оперетталари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Нукус шаҳрида ўтказилган анъанавий “Сени қўйлаймиз, замондош!” фестивалида ҳар жиҳатдан етуқ асарлар соврини ўринларга муносиб топилди. Фарғона вилояти мусикали драма театрининг ёш драматурги Комил Ҳамроев каламига мансуб “От минган аёл”, Қўқон шаҳар мусикали драма театрининг драматург Азимжон Азизов асари асосида яратилган “Фидоний” спектакллари замонавийлиги, гоёвий теранлиги, актёрлар ижросининг юксаклиги билан яхши таассурот қолдирди. Афсуски, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар драма театри, Хоразм, Бухоро, Андижон вилоятлари мусикали драма театрлари, Андижон вилоят Ёшлар

театри, Самарқанд ва Фарғона рус драма театрлари, Тошкентдаги Ўзбекистон давлат ёшлар театри шу йилнинг 1-2 чорагига мўлжалланган асарларнинг бирортасини саҳналаштирмади. Баъзилари режадаги асарларга эътибор қилмай, 2018 йили режалаштирилган асарларни саҳналаштириш билан овора бўлишди.

Айни пайтда республикада театрларида таърибали режиссёрлар йўқ эмас. Бу ўринда Баҳодир Йўлдошев, Мансур Равшанов, Карим Йўлдошев, Олимжон Салимов, Марат Азимов, Валижон Умаров, ёш режиссёрлардан Аскар Ҳошимов, Гафур Мардонов, Обиджон Абдуллаевларни санаб ўтиш жоиз. Хўш, юқорида номлари тилга олинган режиссёрлар 37 та давлат театрда спектакль қўйишга имкон топа оладиларми? Йўқ, албатта. Шу сабабли республика театрлари учун режиссёрлар тайёрлашнинг мақбул йўлини топиш ҳақида бутун бош котирилмаса, эртага кеч бўлади.

Драматургияга келсак, бугун Нурилло Аббосхон, Эркин Хушвак, Тўра Мирзо, Қўчқор Норқобил, Сайдали Одилов, Абдуқасим Иброҳимов, Эркин Норсафар, Жўра Махмудов каби ижодкорлар фаол ишлашмоқда. Шунингдек, Учқун Ўсаров, Обид Рўзиев, Комил Ҳамроев, Сардор Ҳамроев, Бобур Ҳамроев, Равшан Дўстмуҳаммад, Мафтуна, Гулчехра Курбонова каби ёшлар қўлдан келганча ижод қилипти. Аммо ёшларда ҳали драматург асар яратиш борасида маҳорат етишмайди.

Ижодкорлар орасида аҳамиятли, жанрларга қатъий амал қилган ҳолда тўлақонли саҳна асари яратиш ҳақида ўйлайдиганлари жуда кам. Боз устига, ёшларнинг асарлари баёнчилик, плакатнамо жумалар билан тўйиб-тошиб ётибди. Жанр хусусида умулан эътибор қилинмайди. Бундай ижод намуналарига “пьеса” деб ёзиб қўйишди, ҳолос. Ёнг асосийси, жойларга бориб, ҳаётни ўрганмасдан туриб саҳна асари ёзишга қўл уриш мумкин эмаслигини унутмаслик керак.


Маълумки, республикадаги 37 та театрда 15 таси “мусикали театр” деб аталади. Учтаси — Ўзбек давлат академик катта театри, Муқимий номидаги ва Оперетта театри пойтахтда жойлашган. Қолган 12 таси вилоятларда фаолият кўрсатади. Шулардан Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Баттанда Андижон вилояти мусикали драма театрлари йилда биттадан мусикали асар саҳналаштирилади. Қолган саккизта театр жамоаси мусикий асарни саҳналаштириши ҳаёлига ҳам келтирмайди. Яқин кунларда Марғилон шаҳрида “Маком” давлат мусикали театри очилишига тайёргарлик қўриляпти. Шу театр фаолиятини йўлга қўйиш, режиссёр, директор, мусикачилар ва овозли, саводли актёрлар танлаш Маданият вазирлиги, жумладан, Театрларни ривожлантириш бошқармаси зиммасида. Бинобарин, олдинда вазифаларимиз етарли. Шу сабабли ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлашимизга тўғри келади.

Ҳайитмат АБДУРАСУЛОВ,
Маданият вазирлиги Репертуар-тахририят шўбаси мудири

ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

Семинарда кўтарилган мавзу жуда долзарб ва катта аҳамиятга эга. Бу каби тадбирлар драматургия соҳасида фаолият олиб бораётган ижодкорлар учун мактаб, таъриба ва малакаси ошишига, мақсадни, гоёни, ва энг асосийси, театр саҳнаси учун қандай асар ёзиш кераклигини аниқлаб олишига кўмак беради.

Андижон вилояти театрлари биринчи навбатда вилоятдаги драматурглар билан ижодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Вилоят мусикали драма театри 100 йиллик фаолияти давомида қўллаб-қувватлаган драматурглар билан иш олиб бори. Хусусан, ўтган асрнинг 80 — 90-йилларида устозлар Облоқул Эгамов “Кампирга совчи келди”, Раҳбархон Файзиева “Меҳрга зор, интизор”, “Инсон азиз”, “Дийдор”, Комилжон Нишонов “Юракдаги тош”, “Тонг оттуңча қайтаман”, Олимжон Холдор “Миркомилбой”, “Севги афсонаси” каби асарларини театр ижодкорлари билан биргаликда яратишлари натижасида театр репертуари ранг-баранг асарлар билан бойланган эди.



Аммо охириги ўн йилларда (улар вафот этганларидан сўнг) вилоят драматургиясидаги кемтиклик билиниб қолди. Бирок театр изланишдан тўхтагани йўқ. Тўлан Низомнинг “Чўлпон”, Усмон Азимнинг “Алпомиш”, Шукрилло Маҳмамовнинг “Ақлдан озиш ҳеч гапмас”, Нурилло Аббосхоннинг “Танҳо юлдуз — 2”, Фарид Бобононовнинг “Оқ халатли фаршталар”, Тўра Мирзонинг “Антика совчи”, Насрулло Қобилнинг “Тўда”, Қўчқор Норқобилнинг “Қуёшнинг сен уйғотасан” асарларига мурожаат қилинди.

2018 йилда вилоят мусикали театри ижодий бошқарув баҳарияти ўзгариб, бош режиссёр ва саҳналаштирувчи режиссёр, адабий бўлим мудиридан иборат жамоа театрга кириб келганида репертуарда “Қабоҳат”, “Тўда”, “Ақлдан озиш ҳеч гапмас”, “Тўйлар муборак”, “Садоқат” номли аттиги бешта спектакль бор эди. Ижодий жамоа билан келишган ҳолда бирин-кетин (бир ярим йил ичида) Рихсвий Мухаммаджоновнинг “Бурч”, “Давлат болалари”, Баҳодир Мурод Алининг “Муножот”, Наил Гаитбаевнинг “Эксперимент”, Жўра Махмуднинг “Уч дангаса”, Қобилжон Юнусовнинг “Шайтоннинг галига кириб” асарлари саҳналаштирилди. Мавзу ва жанр жиҳатидан ранг-баранг бу асарлар томошабинни жалб этишда театрга кенг имкониятларни очиб берди.

Умуман, драматургия муаммосига тўхталадиган бўлсак, бунинг асосий сабаби драматургларнинг театр билан алоқаси узилиб қолганида. Ахир, Комил Яшин, Уйғун, Иззат Султон каби устозлар театр билан узвий ҳамкорликда ижод қилган эдилар-ку!

Ҳозирги кунда вилоятимиздаги ҳар учала театрда ҳам ижодий лаборатория мавжуд. Учала театрда ҳам қўлида калами бор, драма ёза оладиган ижодкорлар бор. Вилоят мусикали драма театрида камини, Ёшлар театрида Маннон Ҳамид, кўғирчоқ театрида Мансур Рўзиев ижод қилиб келмоқда.

Албатта, Маданият вазирлиги ҳам театрларимизни асар билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Баъзан яхши асар пайдо бўлганида, театрнинг имконияти бўлмай қолади. Масалан, мусикали театрда оркестрнинг жойи тўлиқ капитал таъмирдан чиқмаган. Вилоят молия бошқармаси томонидан шатлар қисқартирилганда оркестр шатлари қисқариб кетган. Созандаларни вилоят мусика мактабларидан, филармониядан қачириб, шартнома асосида ишлашга мажбуримиз. Шунда ҳам тўлиқ мусикали асар учун эмас, мусикалаштирилган спектакллар учун. Натижада яна комедия, драма асарлари саҳналаштирилаверди...

Шу ўринда драматург учун тўланадиган калам ҳақи масаласига ҳам тўхталиб ўтсак. Тўғриси айтиладиган бўлсам, ўзим ҳам ижодим давомида бир марта “Занжирбанд шеър” асарим учун калам ҳақи олганман, ҳолос. Агар бу масала ҳам ижобий ҳал этилса, драматургга ижод қилиш учун интилиш пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар драматурглар театр билан мустақкам алоқа боғласалар, яхши натижаларга эришишлари шубҳасиз.

Зиё НАЖМИЙ,
Андижон вилояти мусикали драма театрининг адабий бўлим мудири

ИЖОДКОР БИР ҚАДАМ ОЛДИНДА ЮРИШИ КЕРАК

Ушбу тадбир олдинда вилоятимизда фаолият юритаётган театрларнинг сўнгги уч йилдаги репертуари билан кизикиб кўрдим. Ютуқларимизни ҳеч ким инкор қилолмайди. Аммо томошабинларни хайратга соладиган, театр жамоасининг ҳам кўнглини тўлдирадиган асарларнинг камлиги одамни ташвишга солади.

Репертуарни шакллантиришдан олдин театрда ҳамма — директор, режиссёр, адабий эмаклош ҳам яхши асар қидиради. Топилса-ку яхши, топилмаса эски бисотта қайтилади. Мумтоз асар даражасига кўтарилган, томошабинлар соғинган пьесаларга қўл урилса яхши, албатта. Аммо кўпинча илгари ҳам эътибор топмаган, томошабинлар ёдидан кўтарилиб кетган асарларни қайта саҳнага олиб чиқишнинг кимга кераги бор!

Қўқон шаҳар театри бундан чорак аср олдин саҳналаштирилган А.Азизовнинг “Нейрон операцияси” пьесасини, вилоят кўғирчоқ театри И.Турсуновнинг “Вақти-соати” асарини,

вилоят театри Уйғуннинг “Парвона”-сини қайта саҳнага олиб чиқди. Бу, назаримда, мактанадиган ҳол эмас, балки ноилжикдан эканини ҳамма билди. Сабаби — янги оригинал асар йўқ.

Яхши асар яратилиши учун эса ҳаммамиз, вазирлик ҳам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳам қайғуриши керак. Вазирлик билан Ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорлиги яхши. Уюшма ҳузурда драматургия кенгаши ҳам бор. Аммо пьеса ёздиغان адилблар кам. Уюшманинг ҳар бир вилоятда бўлимлари, мамлакат бўйича олгита ижод мактаби, жуда кўп шаҳар ва туманларда адабий тўғарақлар бор. Улар сафидан қўллаб-қувватлов соҳиблари етишиб чиқяпти. Бирок шу пайтгача бирор ёш истеъдод драматургия йўналишида мукофот олганини эшитмадим. Демак, ёш ижодкорларни драматургияга кизиктириш керак. Таникли драматургларимиз (афсуски, улар ҳам бармок билан санарли) тўғарақларда дарс ўқишларини йўлга қўйиш лозим.

Саҳналаштириш учун асар танлаш, уни томошабинга тақдим этиш масъулияти театрларнинг бевосита ўзига боглиқ. Режиссёр маҳорати, талқини асосий роль ўйнайди бунда. Таниш-билишлик қилиб асар танлаш самара бермаслигини ўтган йили театримиз ўз фаолиятида кўрди. “Манкурт” асари ҳақида гапиряпман. Натижа қандай бўлган ҳаммамизга аён. Бу йил вилоят рус драма театрининг иккита асари қабул қилинмади. Умуман, ҳали тайёр бўлмаган асарга масъул вакилларни ҳадеб қақиравериш ҳам инсофдан эмас.

Замон қахрамони сиёсийини яратиш долзарб масала бўлиб турибди. Икки йилда бир марта фестиваль ўтказилляпти. Аммо баъзи қахрамонлар образлари зўрма-зўракига ўхшаб қолляпти. Қахрамонлар ҳаётимизда бор. Уларни драматург ҳам, режиссёр ҳам топиши, ҳаётини ўрганиши лозим. Абдулла Қаҳҳор “Шохи сўзана”ни ёзиш учун икки ой Мирзачўлда яшаган, Максуд Шайхзода “Мирзо Улугбек”-

ганлар қўллаб-қувватлади. Шунингдек, мусикий асарларга шеър ёки қўшиқ учун алоҳида матн танлаш лозимлиги айтиб ўтилди. Чунки бугун аксарият мусикий спектаклларда қуйланаётган ариялар асар мазмунига уйғун эмас, томошабинда кизикти, ҳис-ҳаяжон уйғотмайди. Шу билан бирга, бугун театрда адабий эмаклошнинг ўрни билиниб туриши, бунга масъул ходим пьеса устида ишлашга, актёрлар нутқи билан ишлаш жараёнида жиддий ёндошиш лозимлиги таъкидланди. Хуллас, мазкур тадбир Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари, аввало, ўзаро, қолаверса, юртимиздаги бошқа театрлар билан алоқаларини мустақкамлаш, ўзаро таъриба алмашишни изчил йўлга қўйиши зарурлигини намойён этди.

Санъат бўлими

Мазкур семинар водийда мавжуд барча турдаги театр жамоаларининг бугунги аҳоли ҳамда репертуар сисъатини яққол намойён этди. Семинарда нафақат водий, балки юртимиздаги барча театрларнинг вакиллари қатнашгани тадбирнинг амалий аҳамияти доирасини кенгайтирди.

Тадбирда кўтарилган масалалар ва уларнинг ечимини юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар театр амалиётида самара бериши шубҳасиз. Айниқса, томошабинга, унинг дидига эргашмаслик, қўлга олинган драматург асарга танқидий нукта назардан ёндошиш, зарурат туғилганда мавжуд бадиий асарларни инсценировка қилиш, лозим бўлганда режиссёрларнинг ўзлари драматургга ишлаб топиб, ҳамкорликда ишлашлари, уларга буюртма беришлари кераклиги, Ёзувчилар уюшмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари билан ҳамкорлиги жиддий йўлга қўйиш ҳақидаги таклифлари ийгили-

ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУБОРАК!

Яратганга чексиз ҳамд ва санолар бўлсинки, жонажсон юртимизга Қурбон ҳайити ҳам хотиржамлик ва осойишталикда кириб келаётир. Юртимиз бўйлаб бу байрамни катта тайёргарлик ва кўтаринки кайфиятда кутиб олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳам бўлса, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик туфайлидир. Зеро, дунёвий ишларнинг ҳам бир маромда кетиши, охират ишларининг ҳам мукамал ва ҳаловат билан адо этилишида тинчлик, хотиржамлик неъматининг ўрни беқиёсдир.



Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига мувофиқ байрам кунларида ўзаро меҳр-окибатни, муруватни, ҳамкорлик ва биродарликни яна ҳам кучайтиришимиз айтилган мустақил. Шунингдек, бу муборак кунларда ота-оналаримизни, устозларимизни, қариндош-уруғлар, ёр-биродарларни, бемор ва муҳтожларни зиёрат қилиш, ҳол-аҳвол сўраш, уларга ҳадялар бериб, ширин сўзларимиз билан хушнуд этиш байрам кайфиятига янада қувонч бағишлайди. Чунки Расулulloх саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: “Бу кунларда қилинган яхши ишлар бошқа кунлардагидан Аллоҳ таолога суякдорлиқ” (Имом Бухорий ривояти).

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бу кунда янада меҳрибонроқ, шафқатлироқ бўлар, етим-есирлар бошини силар, қариялар, касалмандлар, кам таъминланганлардан хабар олар, уларнинг кўнглиларига ҳам байрам шукруни олиб қирар эдилар. Ҳадисда шундай марҳамат қилинади: “Ўзи тўқ бўла-туриб, ён кўшниси оч бўлган киши

комил бўлган эмас” (Имом Аҳмад ривояти).

Демак, атрофимиздаги қурбонлик қилишга қодир бўлмаган кўн-кўшнларимизнинг аҳволларидан хабар олиб, уларга қурбонлик гўшларидан ҳам улашишимиз имонимизни янада мукамал қилувчи омил экан. Қурбонлик сўйишнинг вақти зулҳижжа ойининг ўнинчи кунини ҳайит نامози ўқилгандан бошлаб, ўн иккинчи кунининг кўши ботишидан сал олдинроғидир. Бу ибодат фақир, miskin ва мусофирларга вожиб эмас. Ҳар бир одам ўзи сўйган қурбонлигининг гўштини учта тақсимлаб, бир қисmini хонадонига қолдириб, бир қисmini зиёфат қилиб кўн-кўшнни, дўсту ёрларини чакирса, бир қисmini бева-бечораларга таркатса, савоб бўлади. Зайд ибн Аркам разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Биз: “Эй Аллоҳнинг Расули, қурбонлиқнинг ҳақиқати нима?”, деб сўрадик. У зот: “Сизларнинг отангиз Иброҳим алайҳиссаломнинг суннати”, дедилар. Биз: “Ундан бизга нима наф бор?”, дедик. У зот: “Ҳар бир тук эвазига битта савоб”, дедилар. Биз: “Эй, Ал-

лоҳнинг Расули! Юнғи?”, дедик. У зот: “Юнғидан ҳар бир тук учун битта савоб”, дедилар” (Имом Аҳмад ва Имом Табароний ривоят қилган).

Ҳайит байрами муносабати билан ҳар биримиз қабристон ва зиёратгоҳларга зиёрат учун борамиз. Зиёратларимиз чиройли бўлиши учун байрам олдиндан қабристонларимизни ёввойи ўтлардан тозалаб, байрам кунини зиёратга борганимизда бемалол зиёрат қилиш учун тайёргарлик ишларини ҳозирдан бошлаш, яхши иш бўлар эди. Зеро, халқимизда “Ўтганларнинг руҳини шод этай десанг, масканини обод қил” — деган макол бор.

Энди хайру эҳсонга келсак, байрам кунлари қабристонга нон ва ҳар хил озиқ-овқатлар олиб бориш, жонлик сўйиб, қозон осиб, овқат пишириб қабристонда таом ейиш жоиз эмас. Хайру эҳсонларимиз қабул бўлсин, деган ҳар бир мўмин-мусулмон эҳсонини ўз ўрнига, яъни бева-бечораларга таркатса савоб бўлади.

Айни кунларда дунёдаги барча мусулмонлар қатори юртимиздан борган минглаб ҳамюртларимиз ҳам зиммаларидаги фарзлардан бири — ҳаж ибод-

латини бажаришга киришди. Улар Мино, Арафот, Муздалифа, Масжидул Ҳарам каби муборак жойларда ҳаж амалларини бажариб, гуноҳлардан покланиш билан бирга мустақил юртимиз ҳамда унинг раҳбарларига, халқимиз ва барча мусулмонларимизга Аллоҳ таолодан тинчлик-хотиржамлик, файзу барокат ва эзгуликлар, кенг-риқ ва фаровонлик тилаб дуолар қилишди. Аллоҳ таоло барчаларининг дуоларини ижобат айлаб, юртимизга тинч-хотиржам, соғ-саломат етиб келишларини насиб айлосин!

Азизлар, яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити байрамини муносиб қаршилаб, байрам кунларида хайру эҳсонлар билан бир-бирларимизнинг кўнгилларимизни шод этайлик. Ота-оналаримиз, қариндошларимиз ва дўсту ёрларимиз қолларидан хабар олиб, байрам совғалари улашайлик.

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Муҳаммаджон ОТАБОВЕВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги
“Дорул омон”
жомеъ масжиди имом ноиб

ОМОНУЛЛА ДОМЛА СУҲБАТЛАРИ



Орамиздан яқиндагина кетган чин инсон, оқил ва одил мураббий, фольклоршунос олим Омонулла Мадаев кейинги китобларидан бирига “Навоий суҳбатлари” деб ном берган. Меҳр билан ёзилган китоб мутлоааси жараёнида яна Омонулланинг суҳбатида бўлгандек, унинг ақлли сўзларини тинглаб, кулгусини эшитгандек баҳра олдим, лаззатландим. Китобнинг ҳар саҳифасида самимиятни ва олим фикрининг теранлигини сезиб турдим. Устозларнинг ҳазрат Навоийга бағишланган тадқиқотлари қаторидан ўзин олган мазкур китоб ёзилиш услуби, яхлит композицияси билан муштарий эътиборини тортиб туради. Муаллиф, аввало, олим, сўнгра муаллим сифатида қалам тебратган.

Рисола равон тилда таъсирчан лирик чекинишлар билан ёзилгандан завқланиб, Омонулланинг сермахсул педагогик тажрибасини эсладим. У ўрта мактабда, академик лицейда, олий ўқув юртида ёшлар билан яқин мулоқотда бўлиб, халқ маорифи аълочили сифатида кам обрў қозонган. Суҳбат қуриш маданиятини алломалардан ўрганиб, Навоий — Бехзод муносабатлари, улуг шoirнинг мураббийлик фаолияти ҳақида жўшиб сўзлаган.

О.Мадаев илм машаққати ва завқини ҳам билгани, қўргани сабабли ёзганлари сиғимли, асосли. Бунда тадқиқотларда орттирган тажрибаси қўл келган. Масалан, у баҳслик санъатини фақат филология фани, сўз санъати нуктаи назаридан ўрганиш билан чекланмайдиган. Олим бадий ижоднинг айрим намуналарига мурожаат этганида турли методология ёндашувларини назарда тутган. Зеро, ярим асрлик фаолияти давомида орттирган назарий билими бу соҳадаги тажрибалари амалиёт учун хизмат қилиши рисолада яққол намойён бўлган.

Омонулланинг меҳрли қаламидан чиққан портретлари унинг ҳамкасбларига, устозларига

бўлган садоқати, чексиз ҳурматни кўрсатиб туради. Таърифи келтирилган барча илм, маърифат ахли орасида, айниқса, Ғулом Каримовни чин ўзбек зиёлиси сифатида, Субутои Долимовнинг ҳазил-мutoйибаси ҳам таълим-тарбияга қаратилганини, Озод Шарафидиновнинг заковати билан бирга камтаринлигини таъсирчанлиги маҳоратини мамнуният билан қайд этамиз.

Омонулланинг айтган ва ёзган сўзларида ҳам тадқиқот объектига, сиймоларга бўлган меҳри, илтифоти, қизиқиши хамиша кўзга ташланиб туради. Бунини у бандандарга таълим билан эмас, балки таҳлил жараёнида, воқеалар тавсифида, алломаларнинг бир-бирига бўлган муносабатини таърифлаш асосида кўрсатарди. Шу тарихи Навоийнинг даҳоси, Жомийнинг муруввати, Бехзоднинг ноёб истеъдоди, Хондамирнинг кенг камровли билими самимий ёзилган сатрларда, завқ-шавқ билан айтилган сўзларида сезилиб туради.

Омонулла истикомат қилган мўътабар хонадон ҳамфикр дўстлар, миннатдор шогирдлар дийдорлашадиган файзли макон ҳисобланарди. Шу боис Озод Шарафидинов

ҳам Омонулланинг волидаи меҳрибонини “онам” деб атарди. Ўрик сайлига отланган дўстлар шу ердан водий томон йўл оларди. Кулги, аския, ҳазил-мutoйибига бой бўлган бу дамларда Озод ака билан Лазиз ахони яраштириб қўйганингизни яна бир айтиб беринг, деб илтимос қилардик... Ҳикоянинг “авж палласида” икки тенгдош дўст, икки профессор қулоқ ёзиб кўришгани тафсилотлари билан айтилганида йўлчиларлар ўрнидан туриб қарсак чалиб юборарди. Муросаю мадорага йўл очган Омонулла шайнига илик сўзлар айтиларди.

Бу бағрикенг, нозик табиатли шахс билан олти йил давомида мулоқотда бўлиб, бирор киши ҳақида салбий фикр айтганини эшитмаганман. У гўзаллик оламида яшайди. Эзгу ниятларини, теран мушоҳадаларини фақат китоблари саҳифаларида, телевидение дастурларида, коллеж, олий таълим муассасаларидагина эмас, уйда, маҳалланинг кўркам чойхонасида, суҳбат дамларида айтиб келди. Бу жараён фақат ёзма шаклдагина эмас, электрон техника кўмагида томошабинга, аввало, маърифат ўқоқлари ҳисобланмиш ўқув-таълим муассасалари жамоаси, талабаларига етказилиши зарур деб, бўлажак бадий-публицистик фильми биз Омонулла кадам ранжида этган жойларда суратга олиш ҳақида ўйладик. Олтин водийнинг бепоён ўрикзориди суратга олинса, Омонулланинг руҳи шод бўлишини кўлаб ташаббус кўрсатмоқчи бўлдик. Бу гўзал маконни Омонулла шундай таърифлаган эди: “Тошкентда 10 та, қолаверса 30 та гуллаган ўрикни кўрасиз. Мен эса 2-3 минг гектардаги ўрик гулидан баҳра оламан. Уни “ўрик гули денгизи” дейиш мумкин. Тепаликка чиқиб атрофга назар ташласангиз, атрофда ўрик гулидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Бунинг гаштини билиш керак-да...”

Ҳаётни, унинг гўзал манзараларини бизга илиниб юқоридаги сатрларни ёзиб кетди. Омонулла ўзи ҳам, қалби ҳам гўзал инсон эди.

Ҳамидулла АКБАРОВ

“СЎФИЗОДА ҚАЧОН ТУҒИЛГАН”

Миллий Уйғониш даври адабиётининг йирик вакили, биринчи Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизоданинг ҳаёти ва ижоди-га доир айрим нуқталар ҳа-нуз ноаниқлигича қолмоқда. Унинг туғилган санасини биз шу кунгача 1869 йил деб қабул қилган эдик. Шоирга Чуст маданият ва истироҳат боғида 1969 йили юз йиллик юбилейи муносабати билан бюст ўрнатилган. 2018 йили Наманган шаҳрида адиблар хийбони очилиши тантаналарида иштирок этган биз чустлик ижодкорлар Сўфизода бюсти остидаги таваллуд санасини қўриб таажжубландик, чунки унда 1880 йил деб битилган эди.



АКС-САДО

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2019 йил 11 январдаги сониди та-ниқли адабиётшунос, академик

Наим Каримовнинг “Сўфизода қачон туғилган” номли мақоласи эълон қилинди. Ушбу мақолада муаллиф турли йилларда Сўфизода ҳақида тадқиқотлар, изланишлар олиб борган журналистлар, адабиётшунослар, олимлар Лутфулла Олимий, Шокир Сулаймон, Миён Бузрук Солихов, Тўлқин Расулев, Аҳмад Муҳаммад Убайд ва Бегали Қосимов рисоаларига мурожаат этиб, шундай ёзди: “Сўфизоданинг туғилган санаси манбаларда қандай хилма-хил бўлмасин, модомики, Шокир Сулаймон Сўфизода берган маълумот асосида “Асли исми Муҳаммад Шариф бўлиб, Фарғона музофотининг Чуст шаҳрига яқин Аҳси шаҳанд кишлоғида 1870 йилда таваллуд топган”, деб ёзган ва шоир туғилган кунининг 65 йиллиги 1935 йил 29 январда — тирик тўйбоши иштирокида нишонланган экан, биз шу санадан келиб чиққан ҳолда (1935 – 65 = 1870) 1870 йилни Муҳаммадшариф Сўфизоданинг таваллуд йили деб белгиласак, адолатдан бўлади”.

Мақолаасида олим шундай фикрни ҳам айтиб ўтган: “Фикримизча, шоир юбилейининг айнан шу кунини (яъни 1935 йил 29 январь) ўтказилиши, француз адаби ибораси билан айтсак, Тасодиф ҳазрати олийларининг хоҳишидир”, “...шу воқеа муносабати билан шоир ҳақида бирор-та ҳам мақола чоп этилмаган. Бинобарин, Сўфизоданинг худди шу кунини туғилганини тасдиқловчи бирор-та ҳужжат ёки маълумот оммалашмаган”. Демак, бу сана ҳам ўз исботини топпаган.

Маълумки, 1926 йил 27 февралда Сўфизодага Ўзбекистон халқ шоири унвони берилган ва бир йўла нафақа ҳам тайинланган. Бинобарин, бу маълумот билан Сўфизоданинг 1880 йилда таваллуд топганини ўз-ўзидан инкор этилади, яъни (1926-1880) 46 ёшли фуқарога нафақа та-йинланиши ақлга сиғмас ҳол.

Ушбу мунозараларга чек қўйиш, шоирнинг туғилган жойи ва туғилган санаси, шунингдек, таржимаи ҳолининг шу кунгача аниқланмаган ва ўрганилмаган жиҳатларига ойдинлик киритиш мақсадида мен тегишли ташкилотга мурожаат этишни лозим кўрдим. Менга йўлланган жавоб хатида шундай инкор этиб бўлмайдиган маълумотлар қайд этилган. Чунки: «Худойбердиев Муҳаммадшариф (баъзи ҳужжатларда Сўфизода Муҳаммад Шариф, Худойбердиев Муҳаммад Шарифбай) Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида туғилган... М.Худойбердиев ўзи имзолаган ҳужжатларда ва давлат идораси томонидан берилган маълумотномада унинг туғилган санаси 1867 йил деб кўрсатилган”.

Бу ҳатта яна 1940 йил 11 сентябрда қайд рақами 921-сонли Чуст шаҳар, Сероб маҳалла кўмитасининг маълумотномасидан нусха ҳам илова қилинган.

Шундан келиб чиқиб биз маърифатпарвар шоир, 30-йиллардаги қатагон қурбон Сўфизоданинг нафақат туғилган йили ва жойи, балки унинг фамилияси Худойбердиев эканидан ҳам хабардор бўлдик.

Ушбу маълумотлардан мутасадди ташкилотлар ҳамда адабиётшунос олимлар ўз фаолиятларида фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қаюмжон ҲАКИМОВ

Чуст шаҳри

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ижтимоий тармоқлар орқали кунда-кунора берилаётган ёнғин билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Чунки бу талафот орқали инсонлар соғлиғи ҳавф остида қолади.

Бундай нохуш ҳолатларга эса озгина бефарқлик сабаб бўлади. Болаларнинг гўгурт ўйнашига оддий ҳол деб қарамаслик зарур. Аксарият ҳолларда қочқанда уюлиб ётган чиқиндиларни ёқиб орқали ҳам фалокат рўй беради.

Ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг рўй бермаслиги учун ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя қилиши, симлар туташувидан пайдо бўлган учқун ҳақида ёнғин хавфсизлиги ҳодимларига дарҳол хабар бериши лозим. Ўзбошимчилик билан электр симларини улаш ҳам хавфли эканлигини унутмаслик даркор. Ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлардан доимо огоҳ бўлиб барчамизнинг кундалик иш режаларида бўлиши лозим. Бу ўз навбатида турли талафотларнинг олдини олишда самарали фойда бериши шубҳасиз.

Қамолдин ҲАСАНОВ,

“Маърифат маркази” ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори



O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкорларимиз:



Бош муҳаррир
ўринбосари
Б.ҲАЙДАРОВ

Тахрират келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назардан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адади - 5705. Буюртма Г - 855.
Ҳажми - 3 босма табак, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 5 6

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топириш вақти - 21.00.
Босишга топирилди - 21.35

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотула нархи эркин.



ISSN 2351-634X



Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40

Назм ва наср бўлими: 233-58-60